Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 186 (20. 453) • 1989 йил 12 август, шанба • Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси «Гражданларнинг пахта ишлари юзасидан ҳукм қилинган қариндош-уруғларига нисбатан суд ҳукмларини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ёзма ва оғзаки мурожаатлари ҳақида» қарор қабул қилди.

Қарорда, жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига сўнгги вақтда меҳнаткашлардан жўда кўп ариза ва хатлар келаётганлиги, уларда судларнинг пахта ишлари юзасидан ҳукм қилинган қариндош-уруғларига нисбатан чиқарилган суд ҳукмларини қайта кўриб чиқиш ва уларни афв этиш тўғрисидаги илтимослар қатъий айтилмоқда.

Шу масала юзасидан июль-август ойларидагина 300 дан ортиқ киши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қабулида бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси буни ҳисобга олиб, ана шу масалаларни кўриб чиқишни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига топширишни мақсадга мувофиқ деб топди, у ерда пахтачиликдаги кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишлар билан боғлиқ барча ишлар юзасидан гражданлардан тушган аризалар ва уларнинг оғзаки илтимосларини кўриб чиқиш учун махсус комиссия тузилган. Комиссия иши натижаларн уч ой муддатда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлисида кўриб чиқилади.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ПАРТИЯМИЗ ҲАЕТИДА ҒОЯТ МУҲИМ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР — ПАРТИЯ ҚУЙИ БЎҒИНЛАРИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР БОШЛАНДИ

Улар ҳозир партия группаларн ва цех партия ташкилотларида ўтяпти. Сўнгра навбат коммунистлар сони 15 тагача бўлган бошланғич ташкилотларга. Партия комитетлари ва бюролари иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилотларида, шунингдек район, шаҳар ва область партия ташкилотларида эса пленумларда бюроларнинг фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботлар эшитилади. «Ҳисобот ва сайловлар партия фаолиятини ислоҳ қилиш жараёнида, унинг ташкилотлари ҳамда комитетларининг иш усул ва услубларини янгилашда муҳим роль ўйнаши лозим», деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг «1989 йилда партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов ўтказиш тўғрисида»ги қарорида.

Бу галги ҳисобот ва сайлов йиғилишларининг яна бир ҳарактерли жиҳати улар партиявий ишни қайта қуриш авж олган шароитида ўтмоқда. Коммунистлар йиғилишларда ҳар бир партия ташкилотида ўтган бир йилда амалга оширилган ишларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этишлари, унинг ҳўжалик, ташкилотчилик ва тарбиявий фаолиятини яхшилаш йўлларини ва келгуси давр учун вазифаларини белгилаб олишлари лозим.

КПСС Марказий Комитетида яқинда бўлиб ўтган кенгашда партиянинг навбатдаги съездида КПСС Программасини янгилаш ва янги Устав қабул қилиш лозимлиги қайд этилди. Бу масалаларнинг нечоғли муҳим эканлигини ҳар бир коммунист диққат-эътиборига етказиш, уларнинг Программа ва Устав бўйича ўз таклифларини киритишлари учун барча зарур шароитларни яратиб бериш лозим.

Республика партия қўйи бўғинларида ҳисобот ва сайловлар ўтган бир йил давомидаги фаолиятнинг коллектив кўрригина айвамоқда. Ҳар бир партия ташкилоти ўзига хос хусусиятга эга эканлиги маълум. Аммо бугун барча ташкилотлар учун XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси кўрсатмалари асосида экономикага партиявий раҳбарлик усул ва услубларини янгилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ҳамма жойда демократия ва ошкораликни чуқур жорий этиш, бу ишларни тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш билан узвий қўшиб олиб бориш партия ташкилотлари фаолиятидан қай даражада ўрин олганлигини таҳлил этиш, айниқса муҳимдир.

Йиғилишларда коммунистлардан бефарқ ва пассивликка, бошбошдоқлик ва масъулиятсизликка, партия обрўсини тўкадиган барча иллатларга қарши қаттиқ кураш олиб бориш талаб этилади. Ҳамма жойда ҳалоллик ва покликни мустаҳкам қарор топтириш зарур. Ҳар бир коллективда бу йил, умуман ўн иккинчи беш йиллик топшириқларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш бош вазифадир.

КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми қарорларини изчил амалга ошириш юзасидан қилинаётган ишлар, халқ ҳўжалигини бошқаришнинг янгича усуллари, юқора ва коллектив пудрат, иқтисодий ислоҳот, ҳўжалик ҳисоби, илмий ижодкорлик ва инженерлик меҳнати самарадорлиги каби муҳим масалалар ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳамда партия комитетлари ҳисоботларида ибрат бўладиган тарзда муҳокама қилиниши зарур.

Тошкент қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги заводи, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Урганчдаги В. И. Ленин номли тикувчилик бирлашмаси ва бошқа бир қатор корхона ва қурилиш ташкилотлари партия группалари ва партия ташкилотларида ишга ана шундай принципиаллик билан ёндашилмоқда. Бошқа хил мисол ҳам келтириш мумкин. Бекобод шаҳридаги автотранспорт корхонасида йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар ўз вақтида ҳал қилинмай келаётган эди. Корхона бошланғич партия ташкилоти автокорхонани янгича иқтисодий шароитларда ишлашга тайёрлаш, барча бўғинлар кадрлари ўқуви, ҳўжалик ҳисоби асосларини ишчиларга чуқур тушунтириш ишлари билан амалда шуғулланмай қўйди. Эътиборсизлик сабабли ремонт хизматларининг техникавий жиҳатлари кўп йиллардан бери янгиламаяпти. Асбоб-анжомлар, эҳтиёт қисмлар етишмайди, авария-ремонт хизмати, диагностика-профилактика линияси яхши ишлаётир. Қабул қилинган қарорларнинг ижросиз қолаётганлиги социал масалаларга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Булар эса меҳнат коллективида жиддий норозилик вужудга келишига сабаб бўлди. Бекобод шаҳар партия комитети ишда йўл қўйган нуқсонлари учун автокорхона директори Э. Болтабоевга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилди ва у лавозимидан бўшатилди. Партия бюроси секретари А. Қодировга ҳам қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Корхона партия ташкилоти бюроси ҳисоботида ҳамда партия группалари ҳисобот-сайлов йиғилишларида ана шундай аҳволга йўл қўйилганлиги сабабларини чуқур таҳлил этиш ва ишни тўғрилаш чора-тадбирларини белгилашга қарор қилинди. Ўз фаолиятида шундай нуқсонларга йўл қўйган партия ташкилотлари кўп. Коммунистлардан ҳисобот-сайлов имкониятларидан самарали фойдаланиб, ана шу нуқсонларни изчиллик билан тузатиш талаб қилинади.

Ҳозир қишлоқ меҳнаткашлари учун ғоят масъулиятли давр, ғўза ва бошқа экинлар парваришини сифатли олиб бориш, ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик, чорва озуқаси жамғариш, қишга ҳозирлик кўриш аҳволи қаттиқ талабчанлик билан таҳлил этилиши лозим. Озиқ-овқат программасининг бажарилиши билан боғлиқ масалалар, ердан самарали фойдаланиш, томорқа ҳўжалиги, юқора ва коллектив пудрат, ҳўжалик ҳисобини жорий қилишда дуч келинаётган муаммоларни бартараф этиш ҳисобот ва сайловларда атрофлича таҳлил этилиши керак.

Партия ташкилотларининг жанговарлиги, оммага таъсир кучи энг аввало коммунистларнинг активлигига, уларнинг меҳнат коллективидаги авангардлик ролига боғлиқ. Коммунистлар ўз асосий йиғилишларида ана шулар ҳақида батафсил гаплашиб оладилар. Шунингдек, партия ички демократиясини ривожлантириш, партия ташкилоти сифат составини яхшилаш ва унинг сафини мустаҳкамлаш, идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларни даврталаблари даражасида ташкил этиш масалалари ҳам атрофлича таҳлил этилади.

Жанговар, аниқ мақсадга қаратилган, ошкора танқид ва ўз-ўзини танқид йиғилишларининг самарали, таъсирчан ўтишини таъминлайди. Афсуски, баъзи партия ташкилотларида танқиднинг, айниқса қўйидан бўладиган танқиднинг роли сусайтириб юборилди. Йиғилишларда кўпинча умумий тарзда, адрессиз гапириш яна одат тусига кираяпти. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир партия аъзосининг йиғилишда ўз таклиф ва мулоҳазасини билдириши учун шароит яратиб бериш, айтилган ҳар бир танқидий фикрни эътиборга олиш лозим. Танқидни натижасиз қолдириш ёки уни бўғиш учун бўладиган уринишлар шу заҳоти тегишли жавобини олмоғи керак.

Ҳисобот ва сайловларда партия ташкилотининг секретари ва унинг ўринбосари, партия группаси ташкилотчиси сайланадиг. Секретарь обрўли, сиёсий етук, ҳар жиҳатдан муносиб, ташаббускор, ташкилотчилик ишига лаёқатли, бошқаларни ўз ортидан эргаштириб бора оладиган бир неча номзод орасидан демократик асосларда танлаб олинади. Коммунистларнинг номзодлар ҳақидаги мулоҳаза ва таклифларини диққат билан тинглаш ва уни амалга ошириш учун зудлик билан чора кўриш айниқса муҳимдир.

Ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик, уни ўтказиш ишида ҳеч қачон майда-чуйда иш бўлмайди. Партия комитетлари секретарлари, бюро аъзоларидан ушбу кампанияга жиддий эътибор билан муносабатда бўлиш, йиғилишларда шахсан иштирок этиш талаб қилинади. Шунга эришиш керакки, ҳамма жойда ҳисобот ва сайловлар йиғилишлари коммунистларнинг активлигини, партия ташкилотларининг жанговарлигини оширадиган, уларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлайдиган, партия кучларининг ҳақиқий жанговар кўрриги бўлиб қолсин.

ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ— ОЛТИНДАН ҚИММАТ

Ўзаро текшириш давом этмоқда

КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ БОР

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози республикамиздаги илғор пахтачилик хўжаликларидан бири. Бу ерда ўтган йили мўл ҳосил етиштирилганди.

Ҳозирги кунда миришкор деҳқонлар ривожланишдан орқада қолган ғўзаларни кўпроқ парваришламоқдалар. Лекин айрим пайкалларда ниҳоллар ривожи паст. Баъзи майдонларда бегона ўт босган жойлар бор.

Қардош Туркманистон ССРдан келган ўзаро текшириш бригадаси аъзолари хўжаликдаги ғўзаларнинг яхши ривожланаётганини таъкидлаб ана шу камчиликларни ҳам айтиб ўтдилар.

Суратда: ўзаро текшириш бригадаси аъзоларидан (чапдан ўнгга) Оразгелди Айдгулев, «Коммунизм» колхози бригада бошлиғи Раҳим Жалолов, Оразгелди Хуммедов, Сайлов Мередов.

А. Зуфаров сурати.

ҲАМ ЎРГАТИБ, ҲАМ ЎРГАНИБ

ҚАРШИ (« Совет Ўзбекистони» мухбири). Саян райони агросаноат бирлашмаси раиси Б. Ю. Алиев раҳбарлигидаги озарбайжонлик мусобақадошларни Қашқадарё областида тўпланган тажрибалар ғоят хурсанд қилди.

Аммо ҳосилнинг кўкига маҳлиё бўлиб, ғўза парваришини сусайтирмаслик озарбайжонликлар томонидан алоҳида уқтирилди. Афсуски, областнинг айрим колхоз ва совхозларида ғўза ривожланишдан 20-25 кун орқада қолган. Об-ҳаво ноқулай келганлиги оқибатида сув танқислиги сезилмоқда. Чимқўрғон, Пачкамар сув омборларида об-ҳаёт анча камайиб қолди. Шунинг учун сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, ғўзага кўпроқ техника ёрдамида ишлов бериш мақсадга мувофиқдир. Жойларда бўлган озарбайжонлик мусобақадошлар ҳосил тўплаш ва ҳосилга қўшиш ойлигида экинлар парваришини юксак уюшқоқлик билан ўтказиш билан бирга ҳосилни йиғиб-териб олишга пухта тайёргарлик кўриш зарурлиги тўғрисида ҳам қимматли маслаҳатлар бердилар.

Туркманистондан келган ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Самарқанд области далаларида социалистик мусобақа шартлари қандай бажарилаётганлиги билан танишмоқдалар.

— Биз Каттақўрғон далаларини айланганимизда бу ерда деҳқончилик маданияти ғоят юксалаётганини сездик, — дейди Чоржўй район партия комитетининг биринчи секретари Г. Аҳмедов. — Кўп нарсани ўрганишимиз мумкинлигини англадик. Каттақўрғонликлар бу йил ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта ҳосили олиш тараддудини кўрмоқдалар. Районнинг 54 минг тонналик хирмонини тиклашнинг ўзи бўлмайди. Район хўжаликларида ана шуни англаган ҳолда ғўзаларга «шарбат» оқизилмоқда. Ҳар куни камида 3 минг тонна чиритилган гўнг далаларга олиб чиқилмоқда.

— Райондаги «Правда» колхозининг Ш. Тоғаев, Ленин номли колхозининг Э. Мелиев бошлиқ бригадаларида ғўзани машинабоп қилиб ўстириш намунасини кўрдик, — дейди Халач районидаги «Коммунизм» колхози партия комитетининг секретари Х. Худойбердиев. — Бу хўжаликларда деҳқонларга яхши шароит яратилган. Аммо Охунбобоев номли, Энгельс номли хўжаликлар ҳақида ана шундай дейиш мушкул. Чунки бу колхозларда долзарб паллада эътиборсизлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Уларнинг нуқсонларини кўрсатиб бердик.

Қўшни туркманистонлик мусобақадошлар областнинг бошқа районларида ҳам бўлиб, амалий ёрдам кўрсатмоқдалар, қимматли маслаҳатлар бермоқдалар.

* * *

Самарқанд ва Бухоро халқлари ўртасидаги ҳамкорлик, дўстлик ришталари асрлардан асрларга ўтиб, мустаҳкамланиб келмоқда. Икки қадимий вилоятнинг деҳқонлари, меҳнаткашлари азалдан бир-бирларидан тажриба ўрганиб, бир-бирларига иш ўргатиб келганлар. Бугун ана шу анъана қайта тикланди.

Самарқандга ташриф буюрган бухоролик ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Хатирчи, Пастдарғом, Иштихон районлари хўжаликларини кўздан кечирдилар. Улар Хатирчи районидаги далаларида бўлганларида М. Йўлдошев, Ленин номли колхознинг А. Усмонов, Куйбишев номли колхознинг Б. Маллаев, К. Маркс номли колхознинг Г. Бойбоев бошлиқ бригадалари далаларида бўлиб, ғўза парваришидаги ютуқ ва нуқсонларни аниқладилар. Жумладан, Калинин номли колхознинг Ж. Пўлатов бошлиқ оилавий звеноси ишлари мусобақадошлар эътиборига тушди. Айни пайтда улар Чкалов номли колхознинг Б. Ботиров бошлиқ бригадасида бўлишганда аҳвол анча мушкуллигини аниқладилар. Бундай ҳолни Куйбишев номли, «Партия XX съезди» колхози далаларида ҳам кўрдилар.

Мусобақадош Бухоро область пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг область агросаноат комитети раиси ўринбосари О. Абдураҳмонов бошчилигидаги группаси аъзолари Пастдарғом районидаги «Самарқанд» совхози чўлқуварларининг меҳнати билан танишдилар. Улар хўжаликда ижобий ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидладилар. Шунингдек, райондаги «Москва», Куйбишев номли, Киров номли ва Калинин номли колхозларнинг қатор бригадаларида йўл қўйилаётган жиддий хаталарни кўрсатиб бердилар.

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АРЗИГУЛИК ТАЖРИБА

ҲАРАКАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИБ, КУЧ-ҒАЙРАТЛАРНИ БИРЛАШТИРАЙЛИК

Нукусда бўлиб ўтган кенгаш Қорақалпоғистон АССР соғлиқни сақлаш системасини ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Қорақалпоғистон АССР соғлиқни сақлаш министри А. Дўстназаров автоном республика аҳолисига медицина хизмати кўрсатишнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболдаги режалар тўғрисида аҳборот берди. У жумладан, Қорақалпоғистондаги медицина муассасаларининг тўртдан уч қисми яхши мослаштирилмаган биноларда жойлашганлигини айтди. Шунча миқдордаги медицина муассасалари биносида канализация, 63 процентида водопровод йўқ. Врачларнинг медицина техникаси билан таъминланиши иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар паст. Автоном республикада педиатрлар, гинекологлар ғоят етишмайди. Орол бўйида экология вазияти мувозанати бузилганлиги туфайли бу аҳвол янада мушкуллашди.

Уларнинг ҳаммаси одамлар соғлиғини сақлашнинг аҳволига таъсир этмай қолмади. Болалар ўлими, юқумли касалликларга чалиниш юқори даражада, шимолий районларда ҳавфли ўсмалар орттирган кишилар кўпайганлиги қайд этилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг Орол бўйи муаммоларига оид қарорига биноан СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги регион аҳолиси саломатлигини яхшилашга доир тармоқ программасини ишлаб чиқди. Бироқ медицина муассасалари қуриш учун Қорақалпоғистонга ажратилаётган маблағлар тўла-тўкис ўзлаштирилмаяпти. Катта-катта қурилиш бўлинмаларининг ёрдамисиз ана шу маблағлардан самарали фойдаланиш вазифаси ҳал этилмай қолаверади. Ваҳоланки, автоном республика ҳукумати пландаги тадбирларни жадал бажариш мақсадида яқин вақт ичида Нукус шаҳрида маслаҳат-диагностика марказини, болалар соғломлаштириш комплексини қуриш, врачлар малакасини ошириш институти филиалини, медицина билим юртини очишни мўлжалламоқда.

СССР соғлиқни сақлаш министри Е. И. Чазов кенгашда сўзлаган нутқида мана шу барча муаммоларни шифокорларнинг партия ва совет органлари билан биргаликда куч-ғайрат сарф-лашлари орқалигина ҳал этиш мумкинлигини айтди. Бундан ташқари бу соҳада фойдаланилмаётган анчагина резервлар бор. Касалликларнинг олдини олишга етарли эътибор берилмаяпти. Даъволанишга муҳтож кишиларнинг кўпчилиги умумий диспансердан ўтказиш чоғидагина аниқланди. Автоном республика физкультура-соғломлаштириш ҳаракати, санитария таълими суст ривожланган. Касалхоналар сабзавот ва мева билан етарли даржада таъминланмаяпти, сут заводларида болалар овқатини тайёрлайдиган линиялар тўла қувват билан ишламаяпти.

Хўжалик раҳбарлари мамлакат бош санитария врачи кўрсатмаларининг уддасидан чиқмаяптилар. Улар Амударё суви сўзсиз санитария қўригидан ўтказилиб, Оролга қуйилишини таъминламаганлар. Қишлоқ хўжалик экинларига химиявий препаратлар билан ишлов бериш учун ҳамон авиациядан фойдаланилмоқда. Минерал ўғит мослаштирилмаган омборларда ва ҳатто шунчаки очиқ жойда сақланмоқда. Медицина муассасаларини сув билан таъминлаш учун қудуқларни бепул қазиб бериш тўғрисида мамлакат Геология министрлиги билан келишиб олинган аҳдлашувдан фойдаланилмаяпти.

Касалхоналар, поликлиникалар ва бошқа медицина муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда асосий жавобгарлик ҳокимият маҳаллий органлари зиммасига юкланади. Иттифоқ министрлиги эса уларни зарур ускуналар билан таъминлашда ёрдам беради. Врачлар ва ўрта бўғин медицина ходимлари етишмаётганини кўп жиҳатдан улар учун нормал меҳнат ва турмуш шароити яратилмаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Кенгашда СССР Олий Совети экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комитетининг раиси Қ. С. Салиқов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Й. Иброҳимов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари С. Д. Ниетуллаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

• Ягона сиёсий кун

ҚУДРАТИМИЗ—ДЎСТЛИКДА

11 август куни Ўзбекистонда бўлган ягона сиёсий кун чоғида миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, социал муаммоларни ҳал этиш, интизом ва тартибни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Меҳнат коллективлари ҳузурида партия, совет ходимлари, хўжалик раҳбарлари сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқи шу кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Миллатлар ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги миллатидан қатъи назар одамларнинг тенг ҳуқуқлилиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Ягона сиёсий кунда республика партия ташкилоти ва ҳукумати социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун катта иш қилишаётганини таъкидланди. Миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, қишлоқ меҳнаткашлари турмушини яхшилаш учун шароит яратиш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш юзасидан бир қанча амалий қарорлар қабул қилинди. Аммо туб иқтисодий ислоҳотни, демократиялашни, ошкораликни бундан буён ривожлантириш юқорида қарор қабул қилиш билан амалга ошмайди. Қайта қуриш тарафдори бўлган барча кучларнинг бирлашуви, одамлар ўртасидаги ишонч ва дўстлиқни мустаҳкамлаш талаб этилади.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

БИНОКОРЛАР БАЙРАМИ

Республика бинокорлари кўп сонли коллективларининг вакиллари жума куни Тошкентдаги В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройига ўз касб байрамларига бағишланган тантанага тўпландилар.

Мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари капитал қурилиш билан боғлиқ, деб таъкидланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин қатнашдилар.

Йиғилиш қатнашчиларининг нутқларида таъкидлаб ўтилдики, республика бинокорлари кўп минг кишилик коллективи тугалланмаган қурилишларни тугатишда, қурилиш сифатини яхшилаш ва иш самарадорлигини оширишда қатъий силжишга эришиш учун ҳали кўп иш қилиши лозим.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Дунё овози

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

● КЕСКИН ВАЗИЯТ

ҚОҲИРА. Мисрдаги Маҳмудия шаҳрида кескин аҳвол юз берди. Ислом ақидапарастларининг тарафдорлари келтириб чиқарган тартибсизликлар натижасида Шаҳарда ҳаёт бутунлай издан чиқди. Ақидапарастлар шаҳарга киритилган хавфсизлик кучлари ва полиция нарядларига қаршилик кўрсатдилар. Бу эса бир қанча ҳолларда қаттиқ тўқнашувлар чиқишига сабаб бўлди. «Ал вафд» газетасининг хабар қилишича, 50 дан ортиқ киши қамоққа олинган, уларнинг кўпчилиги тартибсизликни келтириб чиқариш ва безорилик қилишда айбланмоқда. Шаҳарда ҳамон комендантлик соати амал қилмоқда, бир қанча даҳаларда тинтув давом этяпти.

● СУДНИНГ ҚАРОРИ

ИСТАМБУЛ. Истамбулдаги Биринчи Май намойиши қатнашчилари уч ойдан кўпроқ вақтдан буён турмада сақланмоқда, уларга нисбатан давлат хавфсизлиги суднинг прокуратураси жиноий иш қўзғатган. Суднинг чоршанба куни бўлиб ўтган мажлисида ана шу иш юзасидан айбланувчиларнинг қаммасини қамоқдан озод қилишга қарор қилинди.

Намойиш ташкилотчилари ўз баёнотларида меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлиқ куни — 1 Май жаҳондаги 116 мамлакатда расмий равишда тан олинганини ва тантанали нишонланишини таъкидлаб ўзларига қўйилган айбни рад этган эдилар.

Полиция Истамбулдаги Биринчи Май намойишини тарқатиб юборяётган пайтда кемасозлик корхонасининг 18 яшар ишчиси ўлдирилган, намойишнинг кўпгина қатнашчилари ва журналистлар ярадор бўлган эди. Шаҳар маъмурлари тақиқлаб қўйишига қарамай, Туркиядаги энг катта шаҳар кўчалари ва майдонларига ўша куни минглаб ишчилар ва студентлар намойишга чиқдилар.

● ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ

ДЕҲЛИ. Ҳозир Ҳиндистон пойтахти кўчаларида полициянинг кучайтирилган соқчиларини, назорат қилиб ўтказиш пунктларида навбат кутаётган машиналарни кўриш мумкин, бу ерда хавфсизлик кучларининг бўлинмалари жанговар шай ҳолатга келтириб қўйилган. Деҳли аэропортларида, темир йўл вокзалларида, шаҳарлараро автобус станцияларида йўловчилар ва уларнинг юклари пухта текширилмоқда.

Панжоб, Жамму ва Кашмир, Харьяна штатларида чоршанба куни Кашмир ва Панжоб сепаратчилари террорчилик ҳаракатларини амалга оширганларидан кейин бу штатларда ҳам юқоридаги каби хавфсизлик чоралари кўрилди. Полициянинг расмий вакили айтишига қараганда 15 августда нишонланадиган Ҳиндистон мустақиллиги кунида байрамни хиралаштиришга қаратилган бошқа террорчилик ҳаракатлари бўлиши мумкин.

Бундай шубҳа қилишга жиддий асослар бор. Хавфсизлик хизмати қўшни Покистондан Ҳиндистоннинг шимолий районларига сикхларнинг сепаратчи тўдалари орасидан яхши тайёргарлик кўрган ва қуролланган махсус террорчилар группаси ўтганлигидан хабар топди. Қўпорувчиларнинг асосий мақсадларидан бири ана шу байрам арафасида ва 15 август куни Деҳлида тартибсизликлар чиқаришдан иборат.

● ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ ҚУРБОНЛАРИ

КОЛОМБО. Яна 23 киши Шри—Ланкадаги қуролли ҳуружнинг қурбони бўлди. Маҳаллий маъмурларнинг маълумотларига қараганда бир неча қотилликлар учун «Жаната вимути перамун» сингал экстремистлар тўдаларининг каллакесарлари айбдордир. Улар террорчилик ҳаракатларини ташкил этиш йўли билан сўнгги олти йил ичида граждан урушига айланиб 15 мингдан ортиқ одамнинг ёстиғи қуришига сабаб бўлган этник можарони бартараф этиш масаласида мамлакат ҳукуматига тазйиқ ўтказишга уринмоқдалар.

(ТАСС).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҚОНУНИ

«ДАВЛАТ КОРХОНАСИ (БИРЛАШМАСИ) ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ХАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советси **қарор қилади:**

1. «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Қонунига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. 2-мобданинг 3-банди мазмуни қуйидагича абзацлар билан тўлдирилсин:

«Корхона меҳнат коллективининг ўз фаолияти натижаларидан манфаатдорлигини ошириш учун социалистик хўжалик юритишнинг янги илғор усулларидан, жумладан коллектив пудрат, ижара муносабатлари, кооператив шаклларидан кенг фойдаланилади.

Мустақил товар ишлаб чиқарувчи сифатида корхона қимматли қоғозлар бозорида иш кўриши ва қўшимча молиявий ресурсларни сафарбар этиш учун акциялар чиқариши, аниқ мақсадни кўзловчи қарзлар бериши мумкин».

2. 3-моддада:

1-банднинг иккинчи абзацида «Юқори органнинг рухсати билан» сўзлари олиб ташлансин;

1-банд тўртинчи абзацдан кейин мазмуни қуйидагича абзац билан тўлдирилсин:

«Корхоналар СССРнинг Қонун актларида ва СССР ҳукуматининг қарорларида кўзда тутилган хўжалик ҳисобинигг бошқа шаклларидан, шунингдек ижара муносабатларидан мустақил фойдаланишга ҳақлидирлар».

3. 5-моддада:

4-банд мазмуни қуйидагича абзац билан тўлдирилсин:

«Корхона ва унинг бўлинмалари структурасини корхона мустақил белгилайди»;

5-банднинг биринчи абзаци қуйидаги сўзлар билан тўлдирилсин:

«Унинг структурасини бирлашма тасдиқлайди»;

6 ва 7-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Бирлашмага структуравий бирликлар қаторида ушбу Қонунга мувофиқ ҳуқуқлардан фойдаланадиган мустақил корхоналар кириши мумкин. Бирлашма шундай корхоналарга раҳбарлик қилади, уларга нисбатан юқори орган вазифаларини амалга оширади, уларнинг айрим ишлаб чиқариш —хўжалик вазифаларини бажаришни батамом ёки қисман марказлаштириш ҳуқуқига эга. Бунда мазкур вазифаларни бажариш учун зарур бўлган корхоналарнинг маблағлари уларнинг розилиги билан марказлаштирилиши мумкин.

Бирлашмага кирувчи структуравий бирликлар ҳамда корхоналарнинг қарорига биноан бирлашма унинг бош структуравий бирлиги (бош корхонаси) маъмурияти ёки алоҳида бошқарув аппарати томонидан бошқарилади.

7. Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар қайси идорага қарашли эканлигидан қатъи назар шартнома асосларида мустақил равишда концернлар, консорциумлар, тармоқлараро давлат бирлашмалари, давлат ишлаб чиқариш бирлашмалари, турли уюшмалар ва бошқа катта ташкилий структураларни тузишлари, шу жумладан уларни кооперативларнинг ҳамда чет давлатлар фирмалари билан барпо этиладиган қўшма корхоналарнинг иштирокида тузишлари мумкин. Мана шу ташкилий структураларга кирувчи давлат корхоналари (бирлашмалари) ўзларининг хўжалиқ мустақиллигини сақлаб қоладилар ва ушбу Қонунга мувофиқ иш кўрадилар.

Бирлашмага кирувчи структуравий бирликлар ва мустақил корхоналар ўз меҳнат коллективларининг қарорига биноан бирлашма тузилаётган пайтда белгиланган шартнома тартиби ва мажбуриятларга риоя этган ҳолда бирлашма составидан чиқишга ҳақлидирлар.

Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар ижара муносабатларига ўтиш чоғида давлат бошқарувининг тармоқ ва территориал органлари бўйсунувидан чиқиш ҳуқуқига эгадирлар, бунда улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ижара шартномаси билан тартибга солинади».

4. 6-моддада:

5-банд мазмуни қуйидагича абзац билан тўлдирилсин.

«Ўз ходимлари учун ишлаб топилган маблағ доирасида қўшимча социал имтиёзларни мустақил белгилайди».

5. 9-модда 1-бандининг учинчи абзацидан «ва СССР министрлиги (идораси)» ҳамда «СССР министрликлари ва идоралари» сўзлари олиб ташлансин.

6. 10-модда 3-бандининг тўртинчи абзаци қуйидаги сўзлар билан тўлдирилсин: «Ишлаб чиқариш-техника аҳамиятидаги маҳсулотга давлат буюртмаси 100 фоиз миқдорда белгиланмаслиги керак. Корхоналар (бирлашмалар) билан юқори органлар ўртасида давлат буюртмасини бериш тартиби хусусида юзага келувчи ихтилофлар давлат арбитражи органлари томонидан кўриб чиқилади».

7. 14-модда 4-бандининг биринчи абзаци қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Корхона иш ҳақи фондини ва моддий рағбатлантириш фонди (меҳнат ҳақи фонди)ни пировард иш натижаларига қараб тузади. Коллектив хўжалик ҳисоби даромади маблағларининг такрор ишлаб чиқаришга сарфланаётган улуши билан меҳнат ҳақига сарфланаётган маблағлар улушининг оқилона нисбати солиқ солиш системаси билан тартибга солинади».

8. 19-мобданинг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Корхона белгиланган тартибда экспорт-импорт ишларини (жумладан капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг бозорларида) мустақил амалга ошириш, зарур ҳолларда хўжалик ҳисобидаги ташқи савдо фирмаларини ташкил этиш ёки бундай ишларни юритишни шартнома асосида бошқа ташқи савдо ташкилотларига топшириш ҳуқуқига эга».

9. 21-модда 1-бандининг учинчи абзаци қуйидаги сўзлар билан тўлдирилсин: «шу жумладан акцияли жамиятлар ва масъулияти чекланган жамиятлар шаклида».

10. 23-мобданинг 1-банди мазмуни қуйидагича абзацлар билан тўлдирилсин:

«Умуман корхона молмулкини ижарачилар ташкилоти ёки кооперативга ижарага бериш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш чоғида.

Бирлашмалар ихтиёрий асосларда корхоналарнинг ташаббуси ёки юқори органнинг ташаббуси билан корхоналар томонидан тузилади.

Бирлашмаларни қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятни тўхтатиш уларга кирувчи структуравий бирликлар ва корхоналарнинг қарорига биноан амалга оширилади».

II. СССР Министрлар Советига СССР ҳукумати қарорларини, шунингдек СССР министрликлари, давлат комитетлари ва идораларининг норматив актларини 1989 йилнинг 1 октябригача ушбу Қонунга мувофиқ ҳолга келтиришни таъминлаш вазифаси топширилсин.

СССР Олий Советининг Раиси

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль,
1989 йил 3 август.

СССР Олий Совети қарори

ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ (БИРЛАШМАЛАРИ)НИНГ МЕҲНАТ ҲАҚИ ФОНДИГА СОЛИҚ СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда пул муомаласи билан боғлиқ аҳволни ва пулнинг қадрсизланиш жараёнларига йўл қўймаслик муаммоларининг ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, СССР халқ депутатлари съездининг қарорларига биноан СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. 1989 йилнинг IV кварталида ва 1990 йилда пул муомаласини барқарорлаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилсин.

1990 йилдан бошлаб аҳолининг ҳозирги пул даромадлари ва ҳаражатлари мувофиқлаштирилган бўлиши таъминлансин, истеъмол бозоридаги ишларнинг аҳволида туб силжишларга эришилсин. СССР Министрлар Совети бунинг учун СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1990 йилги Давлат плани ҳамда СССР Давлат бюджети лойиҳаларида зарур тадбирларни кўзда тутсин.

2. 1989 йилнинг IV кварталидан бошлаб корхоналар (бирлашмалар)га ўртача иш ҳақининг ўсиши билан меҳнат умумдорлигининг ўсиши ўртасидаги нисбат нормативи тасдиқланиши бекор қилинсин.

1989 йилнинг 1 октябридан бошлаб давлат корхоналари (бирлашмалари)нинг маблағларини солиқ билан тартибга солиб туришнинг қандай шакллари хўжалик ҳисоби қўлланилаётганлидан қатъи назар, меҳнатга ҳақ тўлашга қаратилган тартиби жорий этилсин. Корхоналар (бирлашмалар) меҳнатга ҳақ тўлашга сарфланаётган маблағлар ўсишининг 3 процентдан юқорисидан меҳнат ҳақи фонди (моддий рағбатлантириш фонди) маблағлари ҳисобидан иловага мувофиқ ставкалар шкаласи асосида давлат бюджетига солиқ тўлайдилар, деб белгилаб қўйилсин.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ва аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмларини оширишни рағбатлантириш мақсадида солиқ солишнинг мазкур тартиби ана шу товарларни ишлаб чиқаришни ва кўрсатиладиган хизматларни кўпайтириш туфайли меҳнатга ҳақ тўлашга сарфланаётган маблағлар ўсишига нисбатан қўлланилмаслиги белгилансин.

СССР Министрлар Совети корхоналар (бирлашмалар)га бошқа солиқ имтиёзларини бериш тартиби ва шартларини тасдиқласин.

3. СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари билан биргаликда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги кооперативлар, ижарачилар ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг корхоналари меҳнатга ҳақ тўлашга сарфлаётган маблағларни тартибга солиб туришга оид тадбирлар тўғрисидаги таклифларни тайёрласин ва СССР Олий Советига тақдим этсин.

4. СССР Министрлар Совети нарх-навонинг асоссиз равишда ошишига йўл қўймаслик негизида пул қадрсизланиш жараёнларининг олдини олиш тадбирлари тўғрисидаги таклифларни икки ой муддат ичида ишлаб чиқсин ва СССР Олий Советига тақдим этсин.

СССР Олий Советининг Раиси

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1989 йил 3 август.

Илова

Меҳнат ҳақига сарфланадиган маблағлар ўсишидан олинадиган солиқни тартибга солувчи ставкалар шкаласи

Меҳнат ҳақига сарфланадиган маблағларнинг ўсиши (процент ҳисобида)	Солиқдан давлат бюджетига ажратиладиган бадал (меҳнат ҳақи ўсишининг ҳар бир сўми учун сўм ҳисобида)
3 процентгача	солиқ олинмайди
3 процентдан 5 процентгача	1
5 процентдан 7 процентгача	2
7 процентдан ошганда	3

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШИ УЧУН УЙ ВА ЕР

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қишлоқда шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш муаммоларига бағишланган матбуот конференцияси бўлди.

Журналистларнинг саволларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Ю. Н. Абдуллаев, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари В. С. Коленко, область ижроия комитетларининг раислари: Тошкентдан — А. А. Йўлдошев, Бухородан — Ш. К. Гатаулин, Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Ҳикматуллоев жавоб бердилар.

Савол: Шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш истиқболлари сизнинг фикрингизча, қандай? Жуда юқсак даражада кенгашлар ўтказилиб, катта-катта ваъдалар берилиб, илгари бўлганидек ҳозир ҳам аҳвол эскичасига қолиб кетавермайдими? Шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун ер участкалари ажратиб бериш пировардида маҳаллий маъмурларга боғлиқ. Агар рўй-рост айтадиган бўлсак, ҳозир бу масалаларни турли даражалардаги Советлар эмас, хўжалик раҳбарларининг якка ўзи ҳал этмоқда.

В. С. Коленко. Истиқболлар жуда жозибали. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши фаолиятини таҳлил этиш шундан далолат бериб турибдики, шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш эвазига маҳсулот етиштириш кўп жиҳатдан кўпайтириш мумкин.

Масалан, оилавий хўжаликларда гектар бошига 12 минг сўмлик маҳсулот етиштирилмоқда, бу жамоат секторидагига қараганда олти баравар кўпдир. Ихтиёрида 203 минг гектар ҳайдаладиган ер ва кўп йиллик экинлар экилган майдон (жами ҳайдаладиган ерларнинг 4,2 проценти) бўлган шахсий ёрдамчи хўжаликлар 2,4 миллиард сўмлик (республика қишлоқ хўжалиги ялпи озиқ-овқат маҳсулотининг 39 проценти) маҳсулот етиштирмоқдалар.

А. А. Йўлдошев. Тошкент. областида ҳозир 240 минг шахсий томорқа бор. Уларнинг ихтиёрида 19 минг гектар ер бор ёки ҳар донадон ихтиёрида 8 сотих ер мавжуд. Ана шу унча катта бўлмаган майдонда деҳқонлар ўтган йили областда жами етиштирилган гўштнинг учдан бирини, сутнинг 46 процентини, мева-сабзавот ва картошканинг 22,5 процентини етиштирдилар. Аминманки, ёрдамчи хўжаликларни кенгайтириш маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга имкон беради.

Область Советининг сессиясида биз «Гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш ва якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш юзасидан белгиланган вазифаларни ҳал этишда совет ва хўжалик органларининг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқдик. Ҳозир навбат кутиб турган барча одамларга шу йилнинг охиригача ер участкалари ажратиб беришга қарор қилинди. Бу 27 минг кишидир. Бундан ташқари ҳар бир томорқанинг саҳни 20—25 сотихга етади. Бу талабни қондириш учун биз 15 минг гектар ер ажратишимиз керак. Бу вазифа шу йилнинг охиригача адо этилади.

Ш. К. Гатаулин. Областимиз қишлоқларида 135 минг оила истиқомат қилмоқда. Ҳисоб-китобларимизга қараганда, ана шу оилаларнинг аризасини қондириш учун қўшимча тарзда қариб 23 минг гектар ер ажратилиши керак. Бу вазифани янги массивлардан ер ажратиб бериш ва пахтазорларни камайтириш эвазига ҳал қиламиз.

Босқичма-босқич план ишлаб чиқилди. Биринчи навбатда кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг, шунингдек уруш қатнашчилари ва инвалидларининг томорқалари кенгайтирилади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ 5 минг оила учун участкалар белгилаб чиқилди. Қишлоқ Советлари, колхозлар ва совхозлар июль — август ойларида 2 мингдан кўпроқ уруш инвалидлари оилаларига участкалар ажратиб беришади. Умуман бу ишни яхоб берадиган вақтгача якунлаш ниятидамиз.

Тўғри, барча масалалар ҳам осонлик билан ҳал бўлаётгани йўқ. Бир мисол келтирмоқчиман: Томди ва Учқудуқ районларида ҳайдаладиган ер йўқ ҳисоб. Демак, бу ерда бошқача ёндашувни қидириш керак.

Савол. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун участкалар тақсимлаш қўли эгри хўжалик ходимлари учун даромад конидир. Ҳозир ёрдамчи хўжаликлар учун ерларни ажратиб бериш ҳуқуқи Советларга берилмоқда. Маълумки, Советларнинг, айниқса қишлоқдаги Советларнинг обрўси ҳозирча паст. Кўп жойларда улар маъмурий-буйруқбозлик аравасини биргаликда тортмоқдалар. Шу муносабат билан ҳалиги қўли эгри хўжалик ходимларининг даромад манбаи яна ҳам кўпайиб кетмасмикан, шу борадаги фикрингизни билмоқчи эдим.

В. С. Коленко. Бундай бўлмайди. Чунки биринчи навбатда томорқа ажратиб бериш ёки томорқани кенгайтириш масаласи зимдан ҳал қилинмайди, бу ишга депутатлар, уруш ва меҳнат ветеранлари, фаоллардан тузилган махсус комиссия бош-қош бўлади. Комиссияларнинг таклифлари хўжаликларнинг умумий йиғилишларида муҳокама қилинади ва Советлар томонидан тасдиқланади.

Савол. Участкалар ажратишда яхши ишлаганликлари учун хўжаликлар маҳаллий Советларга мукофот беришлари мумкин, шу ҳақда қарор қабул қилинди. Бу порахўрликнинг қонуний формаси бўлиб қолмайдими?

А. А. Йўлдошев. Жуда кўп иш қилишимиз керак, уни бирорта ҳам камчиликсиз ўтказиш жуда қийин бўлади. Энг юқори самарага эришиш учун ҳар бир шаҳар, район, посёлкада ишчи комиссиялари тузилди. Улар ишга киришдилар.

Жойларда турлича вазият рўй бериши мумкин, буни тушуниб турибсизлар, албатта. Шунинг учун ҳам ижроия комитет ходимлари ҳалол ишлашлари керак. Бундай ходимлар, айниқса, қишлоқ Советларида етишмай турибди. Нима учун? Чунки ижроком ходимининг ойлиги 80 сўмда, шунинг учун ҳеч ким келмаяпти. Ҳамонки иш сидқидилдан бажарилган экан, нега энди дурустроқ ҳақ тўлаш мумкин эмас? Корхоналарда мукофот беришяпти, бунга ҳеч ким хайрон бўлмайди, бу ўринда эса дарҳол порахўрлик эмасмикин, деган шубҳа уйғонади.

Савол. Қишлоқда якка тартибда уй-жой қуришнинг асосий муаммоси кредит берилишини ҳисобга олмаганда қурилиш материаллари муаммосидир. Республика Министрлар Советида бўлган кенгашда ана шу камёб материалларни асосан Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети етказиб бериши керак, деб таъкидланди. Хўш, республика Давлат агросаноат комитети 1990 йилда якка тартибда уй-жой қурувчилар учун неча сўмлик қурилиш материаллари етказиб беради?

В. С. Коленко. Дарҳақиқат, қурилиш материаллари тўғрисидаги масала энг муҳим масалалардан биридир. 1990 йилги уй-жой программасига кўра, 6,3 миллион квадрат метр уй-жой якка тартибда қурилиши керак, бу 1989 йилдагига нисбатан бир ярим баравар кўпдир.

Давлат агросаноат комитети қурилиш ташкилотлари ва уй-жой қурувчиларнинг ўз кучи билан икки ярим миллион квадрат метр уй-жой қуриш мўлжалланмоқда. Давлат агросаноат комитети 1.212 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш учун хўжалик усули билан қурилишга 178 миллион сўмлик қурилиш материаллари ажратмоқда. Материалларнинг бир қисмини матлубот кооперацияси сотади.

Ўтган йили колхозлар ва совхозларда жами бўлиб йилига 370 миллион дона ғишт чиқара оладиган 212 та ғишт цехи ишлади. Бундан ташқари, республика хўжаликларида 242 та тахта тилиш устахоналари, норуда материаллар ва маҳаллий қурилиш материаллари қазиб олиб, қайта ишлайдиган 138 та цех бор. Барибир бу кам, албатта.

Шунинг учун 1995 йилгача 400 дан кўпроқ хўжаликда ёки ҳар тўрт хўжаликнинг бирида ғишт ишлаб чиқариладиган бўлади. Йилига 1 миллиард донадан кўпроқ ғишт пиширилади.

А. А. Йўлдошев. Кредитлар ҳақида гапирмоқчиман. Тўғри, кредитларнинг етарлича ажратилмаётганлиги якка тартибда уй-жой қуришни кенгайтиришга ҳалал беряпти. Масалан, областимизда планга кўра, 61 миллион сўм ажратиш назарда тутилган, аслида эса биринчи ярим йилликда бор-йўғи 700 минг сўм олинди.

Шунинг учун ҳам муаммони ҳал этишнинг бошқа йўлларини қидирмоқдамиз. Жумладан, касса плани юзасидан белгиланган топшириқдан ортиқча жалб этилган жамғарма маблағларидан ссуда беришда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, илгари берилган ссудалар тўланганида ёки қайтарилганида тушган маблағдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Савол. Республика Министрлар Советида бўлган кенгашда ҳар бир конкрет ҳолда томорқа саҳни ўрта яқин «омиллар»ни ҳисобга олиб ажратиб берилади, деб таъкидланган эди. Аммо бу, пировард оқибатда турлича сиёсатсизмоллар учун яна бир имконият-ку, ахир. Барча хўжаликлар учун бир хил томорқа участкалари саҳни белгиланса мақбул ва адолатли бўлмасмиди?

В. С. Коленко. Йўқ, жўн бўлмайди. Биз бир хил норма белгилашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобламаймиз. Бунинг боиси бор. Масалан, ҳозирги вақтда Фарғона водийсида аҳоли бошига 0,14 гектар ҳайдаладиган ер тўғри келмоқда. Сирдарёда эса бу кўрсаткич 0,45 гектарга баравар. Ернинг ҳосилдорлиги ҳам турлича. Шундай экан, ягона норма адолатлироқ бўладими?

Ш. К. Гатаулин. Биз ҳам шундай деб ҳисобламоқдамиз. Келинг, Навоий ва Қорақўл районларини таққослаб кўрайлик. Бир район қумлоқ, иккинчисида эса қадимдан ҳайдалиб келган ерлар. Хўш, бу ерда қандай қилиб ердан фойдаланиш учун ягона норма белгилаб бўлади?

Савол. Сўнгги вақтларда «қонун-қонун» деяверадиган бўлиб қолдик. Жамоат назоратининг у ёки бу даражадаги муаммоси пайдо бўлиб қолса, дарҳол навбатдаги «қонунни» ишлаб чиқиш таклиф этилади... Бу гал ҳам шундай бўлади, шекилли. «Якка тартибда уй-жой қуриш ва томорқа участкаси ажратиб бериш учун ер участкалари ажратиш тўғрисида қонун» ишлаб чиқиш, умумхалқ муҳокамасига ҳавола этиш ва бўрингки биринкки, ҳатто беш йилдан кейин қабул қилиш ҳам мумкин. Шундай қонунни қабул қилиш зарурати борми?

В. С. Коленко. Бор. Қишлоқ меҳнаткаши эртанги кунини ўйлаб хавотир бўлмаслиги учун шундай қонун зарур. Республиканинг ер тўғрисидаги кодекси 1970 йилда қабул қилинган эди. Бу ҳужжатнинг айрим моддалари бугунги куннинг талабларига жавоб бермайди, қишлоқ аҳлининг ҳаётий манфаатларига зиддир. Тўғри, қонунни малакали тарзда тайёрлаш учун вақт керак. Бироқ ҳатто ана шундай қонун қабул қилиниши ва тасдиқланишини кутиб ўтирмай, республика Министрлар Советининг қарорига мувофиқ томорқа участкалари ажратилаверади.

Ш. К. Гатаулин. Бу ўринда яна бир нарсани илова қилмоқчиман: Ерга эгалик тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этиш керак. Ахир ҳозир колхоз ва совхозлар ерни давлатдан ижарага олган гектар. Агар томорқалар кенгайтириладиган бўлса, хўжалик ихтиёрида бор-йўғи 400 гектар ер қолади. Бу фойда кўриб ишлаш учун сира етарли эмас. Бундай хўжаликлар республикамизда анчагина. Шу сабабдан ҳам одамларни уюшган тарзда қўриқ хўжаликларга кўчириш тўғрисидаги масалани қўйиш лозим бўлур эди. Бунда имтиёзлар бериш керак, албатта. Уларга уй қуришда, чорва мол ва паранда сотиб олишда ёрдам кўрсатиш керак. Янги жойда эскидан суғориладиган зонадагига нисбатан томорқани кўпайтириш лозим.

Савол. Латвияда бир қонун қабул қилинди, шунга кўра деҳқонлар ерни абадий фойдаланишга олишлари мумкин. Ушбу қонунни шарҳлаб берсангиз. Ўзбекистонда ҳам ана шундай қонун қабул қилиниши мумкинми?

В. С. Коленко. Мамлакатимизнинг турли республикалари ва турли регионларида деҳқонларга ер бериш масаласи турлича ҳал этилмоқда. Бунга ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. Чунки шароитлар ҳар хил.

Савол. Қарз бериш ва бошқача ёрдамнинг манбалари ва шартлари қандай?

В. С. Коленко. Қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда: Беш йил муддатга ижара ҳақидан озод қилиш, ҳовли рўйсида зарур иморатлари бўлган уй-жой қуриш учун 50 минг сўмлик узоқ муддатли қарз бериш ва бу қарзни олинганидан кейин орадан олти йил ўтганидан кейин 50 йиллик муддатда тўлаш, ишлаб чиқариш объектларини қуриш учун узоқ муддатли кредитлар бериш.

Савол. Тошкентлик кўп оилаларга Ўрикзор массивидан якка тартибда уй-жой қуриш учун участкалар ажратиб берилган. У ерда можаро етилиб турибди, бунинг боиси шундаки, зонадаги ғишт заводлари кооперативларга берилган. Улар эса мингта ғиштнинг нархини оссонга чиқариб қўйиб, 120 сўм қилиб белгилашди. Барибир ғишт етишмаяпти. Аслида цемент, шифер, ёғоч-тахта, кошинлар ҳам йўқ... Шаҳар ижроия комитети бу муаммони қандай ҳал қилмоқчи?

Иккинчи савол. Кўпчиликнинг айтишича, ер фақат ўзбек оилаларига берилиб, бошқа миллатга мансуб кишиларга рад этилаётган эмиш. Ана шу саволга аниқ жавоб олмоқчи эдик.

Р. Ҳикматуллоев. Биз бир неча бор массивда бўлдик ва одамлар қандай ишлашаётганини кўрдик. Мана буни суръат деса бўлади! Йил охиригача у ерда 600 та уй қуриб битказилади. Бундан бўёғи нима бўлади, билмадим. Биз республика Министрлар Совети ва Тошкент область ижроия комитетига сўровлар юборган эдик. Шуларга жавоб олдик, Озиқ-овқат программаси бажарилиши лозим бўлгани учун область хўжаликлари шаҳарга ер ажратмайдилар. Буни қа рангки, якка тартибдаги хўжалик Озиқ-овқат программасини бажариш учун гўё ёрдамчи бўлмай қолгандек.

Энди қурилиш материаллари ҳақида. Аҳвол шундайки, қурилиш материалларини ишчилар билан биргаликда олиш жўнроқ — барча қурилиш трестлари уй қурувчиларга ёрдам беришлари керак.

Ўрикзордаги гаплардан хабаримиз бор. Кооперативлар ишини ўрганамиз, гап шундаки, массивда якка тартибда уй қуриш учун бир ярим мингта участка ажратилган (биз бу ҳақда республика Давлат план комитетига, ҳукуматга хабар қилган эдик). Аммо бу қурилишга бир сўмлик цемент ҳам, ғишт ҳам, ёғоч-тахта ҳам ажратилмади.

Шу масалалар хусусида конкрет таклифларни ўртага қўйганмиз, республика Министрлар Совети, Давлат план комитети, Савдо министрлиги ҳеч бўлмаса келгуси йили бу муаммоларни ҳал этишга ёрдам беришади, деб умидвор бўлиб турибмиз.

Участкалар гўё фақат маҳаллий миллат кишиларига ажратилади, деган масалага келганда сира бундай эмас, менга ишонаверинг. Бошқа миллатларга мансуб барча кишиларнинг аризалари тўла қондирилди.

БИЗНИНГ ШАРҲ

Ҳозир жойларда республика партия ва ҳукуматининг муҳим қарорини бажариш учун қизғин иш олиб борилмоқда. Қатор областлар, кўплаб район ва хўжаликларда аниқ тадбирлар тузилиб, амалий ишга киришилди. Бу борада Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро областларидаги колхоз ва совхозларда олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор.

Масалан, Яккабоғ районида томорқа учун ер ажратишдан олдин шахсий хўжалигидан самарали фойдаланаётган миришкорларнинг ибратли ишлари маҳаллий газета орқали кенг тарғиб қилинди. Денов районидаги «Ҳазарбоғ» совхозида йил бошидан бери 50 оилага ер ажратиб берилди. Бухоро областида томорқага муҳтож оилаларнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида 23 минг гектар ер ажратиш кўзда тутиляпти. Ҳозиргача 5 минг оила учун ер майдонлари ажратилди.

Дарҳақиқат, томорқа хўжаликларини ривожлантириш, якка тартибдаги уй-жой қуришни кенгайтириш — республикамиздаги қишлоқ районлари аҳолиси учун ниҳоятда ўткир масаладир. Бироқ белгиланган режаларни амалда рўёбга чиқариш мураккаб жараёнлигича қолмоқда. Чунки бу соҳада муаммолар ҳам жуда кўп.

«Совет Ўзбекистони» газетхонлари редакцияга йўллаётган саволларнинг асосий мазмуни шу матбуот конференциясида ҳам янгради. Аммо газетхонларимизни биринчи навбатда томорқа майдонларини кенгайтириш соҳасидаги тайёргарлик ишлари суст олиб борилаётганлиги, бу тадбир кўпинча раҳбарларнинг иш кабинетларида пиҳ-қона ҳал этилаётганлиги ташвишлантираётир. Маҳаллий ҳокимият вакиллари халқни якка тартибда уй-жойлар қуриш учун керак бўладиган бинокорлик материаллари танқислигини қандай йўллар билан бартараф этиш учун кўрилаётган чора-тадбирлардан хабардор қилишмаяпти.

Кўп жойларда муҳим ишни олга силжитиш учун Советлар ҳам ташаббус кўрсатишмаётир. Ҳатто, томорқа майдонларини ажратиб бериш бўйича махсус комиссиялар ташкил этилмаган. Аҳолининг талаб ва таклифларини ўрганиб чиқиб, улар асосида конкрет ишларни амалга оширишга киришилмаётир.

Айримлар томорқа бериш учун қўшимча ер майдонлари ажратишга ҳали ерлар экиндан бўшамади, дея ўз фаолиятсизликларини оқлашга ҳаракат қилишмоқда. Бизнингча, кейинчалик шошиб қолмаслик учун ҳозирданоқ аҳолига ажратиладиган майдонларни белгилаб қўйиб, зарур жойларда мелиорация ишларини бажариш режаларини белгилаш ва улардан одамларни хабардор қилиб қўйиш лозим. Токи, меҳнаткашлар ўз эҳтиёжларининг тез орада қондирилишига тўла ишонишсин.

Шахсий томорқа участкалари тақсимланаётганда ошкоралик — муҳим масала. Бу ишга энг обрўли кишиларни жалб этмоқ лозим. Зеро, бу ишга депутатлар бош-қош бўлганлари маъқул. Улар орасида халқнинг ишончи баланд бўлганлар кўп. Маҳаллий Советларга сайловларни кутиб ўтириш шарт эмас. Ҳозирнинг ўзидаёқ депутатларнинг обрў-эътиборини аҳалий ишлар билан мустаҳкамлаш даркор.

Томорқа участкаларини кенгайтириш ишнинг бошланиши, холос. У амалий қадамлар билан мустаҳкамланиши керак. Яъни, саноат корхоналари, агросаноат комплексига хизмат кўрсатадиган бўлинмалар бу ишга тезроқ жалб этилишлари керак. Оилавий хўжаликларда етиштирилган маҳсулотларни сотиш, сақлаш, қайта ишлаш тармоқларини вужудга келтириш лозим. Ана шундагина озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш, бозорларни озиқ-овқат моллари билан тўлдириш учун «кичик экономика» имкониятларидан самарали фойдалана оламиз.

Томорқа участкаларини соҳиблари манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий негиз зарур. Ҳа, қишлоқ оилавий хўжаликлари тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни даркор. «Совет Ўзбекистони» редакцияси мана шу қонун қандай бўлиши кераклиги ҳақида, унда иммалар конкрет ифодаланиши зарурлиги тўғрисида ўз умумхалқ муҳокамасини уюштиришни зарур, деб ҳисоблайди. Шу боис, биз ўз ўқувчиларимизни ушбу мавзуда очиқ мулоқотга таклиф этамиз.

БУГУН—ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ

● Бугун миллионлаб физкультурачилар саломатлик, чақконлик, абжирлик байрамини нишонлайдилар. Бундан 50 йил муқаддам мамлакатимизда илк марта физкультурачилар куни ўтказилган эди. Шу бокс, спорт мутахассислари, жисмоний тарбияга ихлос қўйган минглаб йигит-қизлар ўзларининг юбилей байрамларини кўтаринки руҳда ўтказишга шайланиб туришибди. Республикамиз физкультурачилари ҳам оммавийликни оширган, сафларини мустаҳкамлаган ҳолда Физкультурачилар кунини байрам қиладилар.

ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТГА

Мамлакатимизда оммавий физкультура ишларини ривожлантириш, спортчилар маҳоратини ошириш, машғулотлар ва мусобақалар учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қилинмоқда. Қайта қуриш туфайли жисмоний тарбия ишларида ҳам янгиланишлар ниш урмоқда. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, СССР халқ депутатларининг съезди ва СССР Олий Советининг биринчи сессиясида халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, баракали ва сифатли меҳнат қилиш омили — жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Эл соғлиғи — юрт бойлиги. Республикамиз спорт мутасаддилари ҳам ўлкамизда жисмоний тарбия ҳаракатини янада фаоллаштириш, спорт иншоотларидан унумли фойдаланиш, ишчилар, хусусан қишлоқ ёшлари ўртасида физкультура ва спорт ишларини ривожлантиришга аҳамият бермоқдалар. Ўзбекистонда физкультура ва спорт ишларининг аҳволи ва камчиликларни бартараф этиш йўллари шу мавзуга бағишлаб ўтказилган республика активи йиғилишида атрофлича муҳокама этилиб, зарур қарорлар қабул қилинган эди.

Физкультура ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш ва маҳоратли спортчилар тарбиялаш муҳим муамолардан бири бўлиб турибди. Бу ўринда Олимпиада ўйинлари асосчиси Пьера де Кубертэннинг сўзларини эслаш ўринлидир: «Юз киши жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун эллик кишини спорт машғулотларига тортиш зарур бўлади. Эллик киши спорт билан шуғулланиши учун улардан йигирма нафари спорт мутахассиси бўлиши керак. Йигирма кишининг спорт мутахассиси бўлишлиги учун беш киши энг юксак натижаларга эришмоғи даркор». Бу сўзлар айтилганига кўп йиллар бўлганига қарамай, ҳануз аҳамиятини йўқотмаганлиги кўриниб турибди.

Республикамиздаги Физкультура ва спортнинг бугунги аҳволига назар ташлайдиган бўлсак, жойларда масъулиятсизлик, лоқайдлик, бепарволик каби иллатларга йўл қўйилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Қорақалпоғистон АССР, Сардарё ва Сурхондарё областларининг шаҳар ва қишлоқларида мактабгача тарбия муассасалари кам, мавжудларида эса кичкинтойларда жисмоний тарбия билан шуғулланиш кўникмаси ҳосил этишда эътиборсизлик қилинмоқда. Умумтаълим мактабларида фақат мусобақаларда кўрсатилган натижаларни баҳолаш билан қаноатланилмоқда. Ваҳоланки, ҳозир республикадаги ҳар ўн ўқувчидан бири юрак хасталиги, болаларнинг ярмидан кўпида ҳаракат аъзоларининг бузилганлиги кузатилмоқда.

Маълумки, ёшларни тарбиялаш ва уларни армия хизматига ҳозирлашда ГТО комплекси нормативларини бажариш алоҳида аҳамият касб этади. Афсуски, бугунги кунда ГТО нишондори деб ҳисобланган йигит-қизларнинг ярмидан кўпи армия хизматига чақирилиш чоғида панд бермоқда. Сирасини айтганда, кейинги ўн беш йил мобайнида ГТО — меҳнат ва Ватан мудофаасига тайёр. Бутуниттифоқ спорт комплексининг аҳамияти сезиларли камайди. Ўзбекистонда ҳам турғунлик йиллари ГТО нишондорлари сафини ошириб кўрсатиш мақсадида қўшиб ёзишларга йўл қўйилган эди.

Физкультура ва спорт ишларини ривожлантириш, жисмоний тарбия машғулотларига кўплаб кишиларни жалб этишда Касаба союзлари кўнгилли физкультура-спорт жамиятининг ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлди. Касаба союз спорт жамиятининг асосий вазифаси аҳолини жисмоний тарбия машғулотларига тортиш, ҳар бир кишини ўз саломатлиги ҳақида қайғуриши ва фаол ҳаракатлар қилишига ўргатишдан иборат. Ҳозирча ўн кишидан икки-уч нафаригина жисмоний тарбия машғулотларига мунтазам қатнашмоқда, дейиш мумкин. Ҳали, бу борадаги ташкилотчилик ишлари ибратли бўлишига эришилгани йўқ. Ҳатто Бухоро, Сурхондарё областларидаги бир қатор корхона ва муассасаларда физкультура коллективлари тузилмаган.

Афсуски, кўпгина корхона, ташкилот ва колхоз-совхозларнинг раҳбарларини физкультура ва спортни ривожлантириш жонкуярлари, деб бўлмайди. Айниқса қишлоқларда: «Спортсиз ҳам ишимиз юришиб турибди» деган иборалар қулоққа чалинади. Демак, жойларда жисмоний тарбиянинг аҳамиятини кўпроқ тушунтириш фаол ҳаракат қилган кишининг саломатлиги мустаҳкам бўлиши, ёшларнинг уйғун камол топишига имкон бериш ҳақида қайғуриш керак.

Бу йилги мавсум мобайнида спортчиларимиз Иттифоқ ва халқаро майдонлардаги йирик мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, совет спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қилдилар. Мамлакатимиз турли шаҳарларида давом этган Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари резервлар кўригига айланди. Бўлажак олимпиадачилар шиори остида давом этган бу мусобақада республикамизнинг қарийб 500 нафар вакили спортнинг 32 тури бўйича мусобақаларда қатнашди. Чим хоккей бўйича қизлар командаси олтин медалларни қўлга киритиб, хоккейчи йигитларимиз кумуш медаль совриндори бўлдилар. Боксчи А. Аҳроров зафар қучди. Мерган А. Асрабоев, оғир атлетикачи Ҳ. Маматқулов, курашчи қизлар Н. Шамсиддинова билан Н. Қундузова ҳам совринли ўринларни эгаллаб, эътибор қозондилар.

Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ишларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўтган ярим йил мобайнида республика физкультура ташкилотлари аҳолига 3,3 миллион сўмлик хизмат кўрсатишни ташкил этишди. Бу ўтган йил шу даврдагига нисбатан қарийб ярим миллион сўм ортиқдир. Спорт иншоотларидан оммавий тарзда фойдаланишга кенг имкониятлар яратиш борасида касаба союзлари, «Динамо» ва «Меҳнат резервлари» спорт жамиятларининг мутасаддилари ибрат кўрсатишмоқда. Гимнастика, югуриш, сузиш, теннис ва футбол ўйнашга қизиқиш катта. Ҳозир спорт иншоотларидаги соғломлаштириш ишларига қарийб 800 минг киши жалб этилган.

Бугун Ўзбекистон физкультурачиларини анъанавий байрамлари билан қутлаб, республика спорт нуфузини тобора юқори поғоналарга кўтаришларига умид билдирамиз.

Ш. НАЖИМОВ,
Ўзбекистон ССР Физкультура ва спорт давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари.

● «Пепсико» командаси футболчилари ҳали довруғ тараттанларича йўқ. Лекин пепси-кола ичимлиги ишлаб чиқарадиган Қибрай комбинатининг номи чет элларга ҳам маълум бўлди. Бонси «Пепсико» фирмасининг директори Карл Нигль СССРда дастлабки ана шундай футбол коллективи таркиб топганидан мамнунлигини изҳор этди. Фирма раҳбарларининг Вена шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида «Пепсико» футболчиларига спорт кийимлари етказиб беришга қарор қилинди.

«Пепсико» ўйинчиси Асад Расулов эътибор қозонаётган футболчилардан.

● Кайфият ва саломатлик эрталабки жисмоний машқлардан бошланади.

Ф. Қурбонбоев (ЎзТАГ) ва Н. Муҳаммаджонов суратлари.

ОҚЛАНГАН ИШОНЧ

Яқинда Тошкент область Паркент районидаги Сўқоқ қишлоғига бордик. Бу ердаги ўзгаришни кўриб, хурсанд бўлдик. Район марказидан Сўқоқ қишлоғига борадиган 8 километр катта йўлга асфальт ётқизилибди. Қишлоқ марказида дорихона, шифохона қурилибди, иккита магазин очилибди. Икки жойда новвойхона, уч жойда чойхона ишлаб турибди.

— Калинин номли совхоз директори Озод Аъзамовни область Советига депутат қилиб сайлаганимизда янглишмаган эканмиз, — дея ҳикоя қилди ғаллачилик бригадаси бошлиғи Ҳамро Деҳқонов. — Мана кўриб турибсиз қишлоғимиз ободонлашиб, қиёфаси ўзгаряпти. Ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Яхшиямки, депутатимиз елиб-югуряпти, сайловчилар ишончини оқлаш учун жон куйдиряпти.

Депутат Озод Аъзамовни совхоз идорасида учратдик.

— Сайловчиларингиз сиздан хурсанд. Икки йил ичида қишлоқ анча обод бўлиб қолибди, — дея сўз бошладик.

— Сайловчилар наказларининг бир қисминигина бажардик, холос, — деди О. Аъзамов мақсадимизни англагач. — Шунинг учун совхоз ўз маблағи ҳисобига янги мактаб қуришга киришди. Бу бино қуриладиган майдон ҳашар йўли билан текисланди. Пойдевор ҳам кўтарилди. Бироқ район, область савдо шоҳобчаларидан қурилиш материалларини сотиб олишда қийналяпмиз. Шу боисдан мактаб қурилиши чўзилиб кетмоқда.

Депутат ва унинг юмушлари

Яна бир муҳим наказни бажариш бошланди-ю охирига етказилгани йўқ. Чунончи, қишлоғимиздаги 500 дан ортиқ хотин-қиз ишсиз. Уларнинг истакларини ҳисобга олиб, Тошкентдаги бош кийимлар фабрикаси Сўқоқда филиал очишини илтимос қилдик. Фабрика маъмурияти бу илтимосимизни бажонидил қабул қилди. Ҳозирча 30—40 хонадонда болалар бош кийимини тикиш йўлга қўйилди. Филиал учун махсус бино ажратдик. Уни ремонт қилиб қўйганмиз. Аммо республика Енгил саноат министрлигининг филиалга ўрнатиш учун 30 та тикув машинасини топиб беришга қурби етмади. Натижада бу наказни ҳам тўла бажаришнинг иложи бўлмаётир. Бу масалани ҳал этиш учун юқори ташкилотларга мурожаат қилмасам, сайловчилар олдида юзим шувут бўлиб қоладиганга ўхшайди.

Дарҳақиқат, депутат ҳақ гапни айтди. Наказларни бажариш кўпинча юқори ташкилотларга ҳам боғлиқ. Депутат халқнинг муҳтор вакили. Шундай экан, тегишли ташкилотлар раҳбарлари депутатга сайловчилар наказларини бажаришда ёрдам қўлини чўзишлари даркор.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
А. ТОЖИЕВ.

• *Луқма*

ПЕШТАХТАЛАР НЕГА БЎМ-БЎШ?

Қарши район маркази Бешкент шаҳри колхоз бозорининг ҳашаматли савдо расталари, чиройли пештахталар ташриф буюрганлар эътиборини ўзига жалб этади. Бозор майдонида маҳсулот сақлаш ва сотиш учун ҳамма қулайлик ва имкониятлар мавжуд.

Бироқ бу ерни анъанавий равишда «Колхоз бозори» дейишади-ю, аслида чакана савдогарлар ҳукмрон. Улар узоқ-яқиндан ўз маҳсулотларини келтириб сотишаётир. Харидорлар шунга ҳам раҳмат дейишяпти. Чунки улар туфайли бозорда сифатли помидор, бодринг, картошка ва бошқа мевалар бор. Аммо нарх ҳамон баланд. Бир килограмм сабзи ва шолғом ҳали ҳам бир сўмдан сотиляпти. Қуритилган ўрик, мағиз, ёнғоқ ва бодомнинг баҳоси эса йил-ўн икки ой харидорни чақади.

Район колхоз ва совхозлари шартнома шартларини бажариб, бозорни узлуксиз равишда маҳсулот билан таъминлаганларида эди, нархнаво арзонлашарди. Район агросаноат бирлашмаси ва Бешкент матлубот жамияти раҳбарлари ваъдалари устидан чиқишмаяпти. Тузилган кўпгина шартномалар қоғозда қолмоқда.

— Айрим колхоз ва совхозлар раҳбарлари қуруқ ваъдадан нариёа ўтишолмаяпти, — дейди бозор директори Т. Амбиев. — Айниқса, «Партия XXII съезди», «Аврора», «Ленин йўли», «Партия XXVI съезди», Собир Раҳимов номли совхозлар шанига эътирозимиз бор. Икки ўртадаги шартномани бажариш, бозорни маҳсулот билан таъминлаш тўғрисида кўп гап-сўзлар бўляпти-ю, пештахталар ҳамон бўм-бўш.

Қашқадарё областининг қатор шаҳар ва район бозорларида аҳвол бундан ҳам баттар. Жумладан, Қарши шаҳар бозорларини олиб кўрайлик. Шаҳар колхоз бозорларини қишин-ёзин маҳсулот, мева-чева билан самарқандлик ва сурхондарёлик, тожикистонлик ва туркманистонлик деҳқонлар таъминлайди. Мабодо улар ҳам қаршиликлардек қўл қовуштириб ўтиришса борми, бозорларда нарх-наво «осмон»дан тушмасди. Хўш, бозорлар пештахталарини ёз ноннеъматлари билан тўлдириш билан қайси ташкилот шуғулланади? Область агросаноат комитетими ёки матлубот жамияти? Харидорлар ана шу ҳақли саволларига аниқ жавоб кутишяпти.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АГРОСАНОАТ БЎЛИМИ ПОЧТАСИДАН

ХАТЛАРДА ҲАЁТ АКСИ

Август — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой. Бинобарин, республикамиз пахтакорлари ғўза парваришини кун сайин авж олдирмоқдалар. Уларнинг фидокорона меҳнатлари редакциямизга кунига дасталаб келиб турган хат-хабарларда ўз ифодасини топган.

— Иштихон районидаги «Меҳнат-роҳат» колхозининг Н. Саидаҳматов бошлиқ бригадаси, — деб ёзади самарқандлик журналист Ў. Саидов. — 45 центнерлик маррани эгалламоқчи.

Ғўза парваришини намунали ташкил этиб, мўл ҳосил тўплаётган миришкорларнинг ибратли ишлари ҳақида сурхондарёлик Т. Шарипов, Н. Тоғайназаров, андижонлик М. Абдуллаев, қорақалпоғистонлик Х. Атамурадов, Д. Кўчқорова, Қ. Реимбоев, самарқандлик Р. Муҳаммадиева, Ш. Ҳасанов, И. Холиқулов, сирдарёлик Ғ. Раимқулов, фарғоналик Т. Отажонов, Д. Мамадалиева ва бошқа кўплаб мухбирлар хабарлар йўллашган.

Илғорларнинг ибратли ишларини Ўзбекистон районидан С. Холматов. Қарши районидан Ҳ. Назаров, Шофиркон районидан М. Қаҳҳоров, Денов районидан Ў. Бекмуродов, Чироқчи районидан А. Ўтаев, Улянов районидан Ҳ. Примқулов ва бошқалар қаламга олишган.

Т. Ҳамидов эса Фарғона районидаги «Ёш ленинчи» совхози далаларида етиштирилган сабзавотларни консерва заводи қабул қилмаётгани оқибатида нобуд бўлаётганини куюниб ёзади.

Бухоро областининг Когон районидаги «Когон» совхози ва Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида «Совет Ўзбекистони» мухлисларининг конференциялари бўлиб ўтди. Бунда газетанинг тематик мундарижасини кенгайтириш, ҳаётимиздаги долзарб масалаларни қандай ёритиш тўғрисида фойдали мулоҳазалар билдиришди.

Бу учрашувларда сўзга чиққан совхоз партия комитетининг секретари Р. Тўхтаев, бўлим бошқарувчилари Х. Ҳамроев, У. Исмоилов, «Когон» қишлоқ Совети ижроқоми раиси С. Неъматов, совхоз бош инженери Ш. Саломов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи комитети раиси У. Жумаков, бригада бошлиғи Т. Бобобеков, цех партия ташкилоти секретари И. Сафаров, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси цех бошлиқлари У. Муҳамедов, Р. Абдуллаева, назоратчи С. Қўлдошева, комсомол комитети секретари А. Наимов ва бошқалар газетани янада ўқимишли қилиш, меҳнат кишисига яқинлаштириш тўғрисида аниқ фикр-мулоҳазалар баён қилдилар.

Газетхонлар билан учрашувларда «Совет Ўзбекистони» бўлим мудири М. Жалолов редакция коллективининг ижодий режалари тўғрисида сўзлаб берди.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Газетхонлар конференцияси

ТЕЛЕҲАФТАЛИК

14 август, душанба

ЎзТВ-I. 15.00 Телефильм. 15.30 «Бир фожиа изидан». Видеофильм 1-қисм. 16.35 «Хевсур қиссаси». Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.25 Меҳнат ва иш ҳақи. 18.55 Санъат оламида. 19.20 Украина КП Қрим область комитети делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши ҳақида. 20.00 Ахборот. 20.20 Ешлик. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Футбол. ЦСКА—«Пахтакор». 23.15 Навоийхонлик.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 Футбол шарҳи. 9.30 «Спрут—2». Бадиий фильм 1 ва 2-сериялар. 11.40 Концерт. 12.15 Ҳайвонот оламида. 15.50 «Тенгдошлар». Бадиий фильм. 17.05 Ҳужжатли фильм. 17.45 Очиқ роял. 18.15 Биз ва экономика. 19.00 Халқ куйлари. 19.15 Донбассниг машаққатли кунлари. 19.45 Футбол шарҳи. 20.15 «Палтава» поэмаси. 21.30 Время. 22.05 «Спрут—2». Бадиий фильм 2-серия. 23.15 Дунё воқеалари. 23.30 Балет, балет.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Ҳужжатли фильм. 10.05 Концерт. 10.55 «Стрелкачи». 11.25 Мультфильмлар. 12.00 Бу дунёни ҳаёжонлартирмоқда. 12.15 «Тўрт танкчи ва ит». Бадиий фильм, 10-серия. 13.10 Ўтган йилларнинг севимли қўшиқлари. 13.35 Итальян тили. 14.05 «Шахсий фикр». Бадиий фильм. 15.35 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 17.30 Янгиликлар. 17.40 Қозон телевидениеси. 18.35 Томошабинсиз концерт. 19.05 Белоруссия ССР Давлат телерадиоси. 19.25 Концерт. 19.30 Ҳужжатли фильмлар. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!

15 август, сешанба

ЎзТВ-I. 15.30 Телефильм. 15.55 «Привалов миллионлари». Бадиий фильм, 1-серия. 17.05 «Бир фожиа изидан». Видеофильм 2-қисм. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Болалар учун фильм. 19.10 Шарқ халқлари қўшиқлари. 19.35 Ҳаёт манбаи. 20.00 Ахборот. 20.20 Республика шоли поляларида. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Иқбол.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.35 «Спрут—2». Бадиий фильм 3-серия. 10.35 Концерт. 11.05 Ҳужжатли фильм. 11.25 «Полтава» поэмаси. 12.40 Бу бўлган, бўлганди... 13.00 Ҳужжатли фильм. 16.00 Концерт. 16.35 Ҳужжатли фильм. 17.25 Хор плюс биз. 18.15 Мультфильм. 18.25 Фан: назария, тажриба, практика. 19.10 Дунё воқеалари. 19.25 Кинопанорама. 20.25 «Утсав» — ғўзал Ҳиндистон меҳмони. 21.30 Время. 22.05 «Спрут-2» Бадиий фильм 3-серия. 23.05 Дунё воқеалари. 23.20 Телевизион танишув.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.45 Концерт. 10.15 Француз тили. 10.45 «Садоқатли дўст». 11.15 Бошловчи спортчиларга маслаҳатлар. 12.00 Янгиликлар. 12.10 «Тўрт танкчи ва ит». Бадиий фильм, 11-серия. 13.10 Ҳужжатли фильм. 13.30 Француз тили. 14.00 Ритмик гимнастика. 14.30 «Йўл». Фильм-спектакль. 15.55 Ҳужжатли фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Унинг отпускаси». Бадиий фильм. 19.00 Сув спорти. Европа чемпионати. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.25 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.40 Спорт программаси. 21.30 Время.

16 август, чоршанба

ЎзТВ-I. 15.00 «Привалов миллионлари». Бадиий фильм, 2-серия. 16.20 Телефильм. 16.55 «Бир фожиа изидан». Видеофильм, 3-қисм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Камалак». 19.00 Ветосита мулоқот. 20.00 Ахборот. 20.15 Дала неъматлари — эл дастурхонига. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Сув ва ғўза. 22.55 «Атака». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.25 Хор плюс биз. 10.15 Ҳужжатли фильм. 10.45 Балет, балет... 12.45 Камалак. 16.00 «Саҳибжамол ва маҳлуқ». Бадиий фидьм. 17.15 Ҳужжатли фильм. 17.40 Музикали хазина. 18.30 Компьютер билан мулоқот. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Ҳокимият — Советларга! 20.00 Д. Шостакович номли Давлат квартети чалади. 20.10 Адабий-бадиий видеоканал, 1-қисм. 21.30 Время. 22.05 Видеоканалнинг давоми. 23.45 Дунё воқеалари. 24.00 Адабий-бадиий видеоканал. 3-қисм.

МТ-II. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Кечкилар». Бадиий фильм. 18.55 Киножурнал. 19.10 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.00 Сув спорти. Европа чемпионати. 21.30 Время. 22.05 «Кечкилар». Бадиий фильм. 23.20 Янгиликлар. 23.25 Сув спорти. Европа чемпионати.

17 август, пайшанба

ЎзТВ-I. 15.00 «Жаноб Р». Бадиий фильм. 16.25 Фильм-концерт. 16.55 Кинопрограмма. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Енисей» юнгалари. 18.30 «Оазис». 19.10 Инсон болаликдан бошланади. 19.50 Долзарб мавзу. 20.00 Ахборот. 20.20 Чорвадор. 20.50 Ёш ижрочилар концерти. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Севишганлар». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.25 «Спрут-2». Бадиий фильм, 4-серия. 10.25 «Утсав» — ғўзал Ҳиндистон меҳмони. 11.30 Олам кинокамера кўзгусида. 12.30 Сизга қўшиқ куйлаб бераман. 16.05 «3» сайёраси ҳақида ёзги таассуротлар». Бадиий фильм, 1-серия. 17.10 Концерт. 17.30 Ҳужжатли фильм. 18.20 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.05 Бош авиаконструктор, СССР халқ депутати М. П. Симонов билан суҳбат. 19.25 Дунё воқеалари. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.25 Концерт. 20.30 Ҳужжатли фильм. 21.30 Время. 22.05 «Спрут-2». Бадиий фильм, 4-серия. 23.05 Дунё воқеалари. 23.20 Фильм-концерт.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.45 Концерт. 10.15 Испан тили. 10.45 Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 11.15 Бор бўл, музика! 12.00 Янгиликлар. 12.10 «Тўрт танкчи ва бир ит». Бадиий фильм, 13-серия. 13.05 Киножурнал. 13.30 Испан тили. 14.00 «Кечкилар». Бадиий фильм. 15.15 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 15.20 Бир актёр театри. 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Эркакли уй». Бадиий фильм. 19.10 Дебют. 19.25 Бизнинг бурчимиз. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Халқ куйлари. 21.00 Сув спорти. Европа чемпионати. 21.30 Время. 22.05 Сув спорти. Европа чемпионати. 22.40 «Сопот-89».

18 август, жума

ЎзТВ-I. 15.00 «Урқия». Бадиий фильм. 16.25 Фильм-концерт. 17.00 Кинопрограмма. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.35 «Объективда — қайта қуриш». 19.00 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари». 19.45 «Ешлик». 20.00 Ахборот. 20.15 Маорифимиз муаммолари. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Реклама. 22.30 Драматик актёрлар куйлайди.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 Мультфильмлар. 11.40 Инсон. Ер. Коинот. 12.40 Фильм-концерт. 16.05 Болалар учун фильм. 17.15 Александр Покришкин. 18.15 Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 18.45 Бекинмачоқ ўйнаймиз. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Кемероводан репортаж. 19.50 Мультфильм. 20.15 Янгра, гармон! 21.30 Время. 22.05 Бу бўлган... бўлганди... 22.25 «Спрут-2». Бадиий фильм, 5-серия. 22.35 Дунё воқеалари. 23.50 «Спрут-2». Бадиий фильм, 6-серия.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.45 Концерт. 10.20 Инглиз тили. 10.50 Сартарош-рассом. 11.35 Концерт. 12.00 Янгиликлар. 12.10 «Тўрт танкчи ва ит». Бадиий фильм, 14-серия. 13.10 Ҳужжатли фильм. 13.30 Инглиз тили. 14.00 Ритмик гимнастика. 14.30 «Эркакли уй». Бадиий фильм. 19.00 Гимнастика. 19.30 Таллиндан кўрсатувлар. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 «Давр ҳақида ва ўзим ҳақимда». 21.05 Сув спорти. Европа чемпионати. 21.30 Время. 22.05 Сув спорти. Европа чемпионати. 22.40 «Сопот-89».

19 август, шанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Кинопрограмма. 10.50 ДОСААФ — мардлик майдони. 11.20 «Жонли камалак». Бадиий фильм. 12.30 Публицистик программа. 13.15 «Узпишчепром». 13.40 «Тарона» ансамбли концерти. 14.10 Ҳужжатли кинонинг тарбиявий аҳамияти. 15.10 Телевизион новеллалар театри. 18.05 Болалар учун фильм. 18.45 Тенгдошлар. 19.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 20.00 Ахборот. 20.20 Долзарб мавзу. 20.50 Мусиқа жавони. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Осмон дарвозаси». Бадиий фильм.

МТ-I 7.00 «120 минут». 9.05 Уй академияси. 9.35 Концерт. 10.00 Умринг боқий бўлсин, Ер! 11.00 Мультфильмлар. 11.30 Социализм мамлакатларида. 12.00 Концерт. 12.40 Дунё воқеалари. 12.55 Болалар учун фильм. 14.00 СССР халқ депутатлари билан учрашув. 15.30 Концерт. 16.05 Мўъжизасиз мўъжизалар. 17.05 Биз Пензаликлармиз... 17.35 Остоженкода қизлар чодраларда. 18.45 Планета. 19.45 Василий Шукшин фильмлари ва роллари. 21.30 Время. 22.05 Мультфильмлар. 22.30 «Сопот-89»

МТ-II 8.30 Гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиликлари 9.45 Киножурнал. 9.55 «Севги, дўст ва тақдир ҳақида», бадиий фильм. 11.30 Информацион кўрсатув. 11.45 Ҳужжатли фильмлар. 12.15 Рассом Алексей Исупов. 12.45 РСФСР шаҳарлари. 13.35 «Темир хотин». Спектакль. 15.15 Мультфильм. 16. 15 Сув спорти. Европа чемпионати. 16.30 Спорт ҳаммага учун. 16.45 Сув спорти. Европа чемпионати. 17.00 Концерт. 17.45 Янгиликлар. 17.55 «Давр ҳақида ва ўзим ҳақида». 18.15 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.00 Халқаро музика фестивали очилиши.

20 август, якшанба

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Телефильм. 10.20 Концерт. 10.45 Самодаги ва ердаги самолётлар. 11.15 Хива қўғирчоқ театри. 11.40 «Ешлик». 13.40 Спорт программаси. 14.50 Концерт. 15.20 Болалар учун кинокўрсатув. 16.20 Реклама. 18.05 Болалар учун фильм. 18.30 Белоруссия телевиденнеси студияси. 19.30 Сиҳат-саломатлик. 20.00 Ахборот. 20.20 Қадрият. 20.50 Якшанба оқшомида. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Кувноқ эскадрон». Бадиий фильм.

МТ-I 8.50 Гимнастика. 9.20 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 Концерт. 12.00 Дунё бўйлаб. 13.00 «Юз қувонч ёки буюк кашфиётлар китоби». Бадиий фильм. 14.05 Музикали киоск. 14.35 СССР ҳаво флоти куни. 14.50 Ҳужжатли фильмлар. 15.45 Очиқ эшиклар куни. 16.30 Телевизион фотоконкурс. 16.35 Қўргазмадан репортаж. 17.10 Камалак. 17.30 Қишлоқ янгиликлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Якшанба кино зали. 19.55 «Тезюрар поезд». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.05 «Салом, доктор». 22.20 «Сопот 89».

МТ-II. 8.30 Заряднга сафланинг. 8.50 Фильм-концерт. 9.40 Ҳужжатли фильмлар. 10.35 «89-қўшиқлари» 10.50 Тошкентдан кўрсатилади. 11.25 Сув спорти. Европа чемпионати. 12.10 Акс садо. 12.25 Сув спорти. Европа чемпионати. 13.50 Солдатлар куйлаганда. 15.30 Ҳужжатли фильм. 16.40 «Дононик алифбеси». Бадиий фильм. 17.45 СССР ИИМ хабар қилади. 17.55 Концерт. 18.30 А.П. Чехов экранлаштирилган асарлари. 19.35 Концерт. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Астрахандан кўрсатилади. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 СССР ҳаво флоти куни. 00.40 Янгиликлар.

• *Долзарб мавзуда суҳбат*

МУРУВВАТ ВА ҚАДРИЯТ

Фарғонадаги воқеалар халқимиз қалби да оғир из қолдирди. Қон тўкишлар ва вайронагарчиликларнинг ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Вужудга келган мураккаб вазият республикамизнинг ҳар бир гражданини чуқур ўйлашга, воқеликка принципиал баҳо беришга ва ундан тўғри хулоса чиқаришга даъват этмоқда.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатномаси эълон қилинди. Шу кунларда республика Компартияси Марказий Комитети Пленумининг материаллари қизғин муҳокама қилинмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда. Кекса коммунист, йирик жамоат арбоби Нуриддин Акрамович МУҲИТДИНОВ республика партия ташкилоти комиссияси таркибида Фарғонада бўлиб, бу ерда юз берган фожиаларнинг сабаб ва оқибатларини ўрганишда қатнашди. Мухбиримиз ана шу муносабат билан унинг ҳузурида бўлди.

— Нуриддин Акрамович юз берган воқеаларни ўз кўзингиз билан кўрдингиз, аҳоли билан мулоқотда бўлдингиз. Улкан ва мураккаб вазиятларни кўравериб, кўзи пишган одамнинг нигоҳи бошқача бўлади. Ана шу мақсадда Сиз билан учрашяпмиз. Дастлабки таассуротларингиз қандай!

— Май ойининг охирлари ва июннинг бошида Фарғона район ва шаҳарларида фавқулодда ҳодиса юз берди. Бу фожиа Қувасойда 23 май куни бошланиб икки кундан кейин Тошлоққа ўтди, ундан сўнг Марғилон ва Қўқонга. Шундай қилиб, бундай қон тўкишлар тарихимизда биринчи марта юз берди. Кўплаб кишилар ҳалок бўлди, мингга яқин киши ҳар хил жароҳатланди. 800 дан ортиқ уйларга ўт қўйилди. Давлат ва жамоат идоралари шикастланди. Оммавий чиқишларга қатнашганларнинг сони 30 мингга яқин. Тергов ходимлари элликтадан ортиқ ишни кўришмоқда. Етказилган зарар миллион-миллионларни ташкил этади. Ҳали бунинг аниқ рақамини айтиш қийин. Фожиа билан юзма-юз туриш нақадар даҳшат. Ўрланганлар, зорланганлар ва шикастланганлар билан гаплашиш жуда оғир. Ҳалок бўлган қирчиллама йигитлар, навқирон ёшларни кўриб юрагинг эзилади, томоғингга тош тиқилгандек бўлади. Оммавий азоб бу.

Аввало шуни алоҳида таъкидлашим керакки, ўзбек халқи ҳеч қачон бундай ишга қўл урмаган ва унинг бу фожиаларда ҳеч қандай айби йўқ.

Мен бу ерга икки марта келдим. Одамлар билан суҳбатда бўлдик. Мамлакат раҳбарлари келиб, фожиалар қизғин давом этаётган пайтда аҳоли билан ёнма-ён туришди, уларнинг дардини эшитишди, мусибатларига шерик бўлишди. Республикага келган СССР Министрлар Совети раиси Н. И. Рижков билан КПСС Марказий Комитети секретари В. М. Чебриков халқимизга катта ёрдам бердилар. Ҳукуматимиз бошлиғи партия-хўжалик активлари йиғилишида ўзбек халқига катта баҳо берди, миллатнинг айби йўқлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, халқимиз минг йиллар давомида ўзининг меҳнаткашлиги, меҳмондўстлиги, оғир ва қалбининг тозалиги билан дунё халқлари ҳурматини қозонган. Айрим нутқ ва мақолаларда халқ шанига айтилаётган ноҳўя гаплар менга туҳмат ва ҳақорат бўлиб туюлади. Шу билан бирга фожиалар бизнинг юртимизда бўлгани, унда минглаб ёшларимиз — ўзбеклар ва турклар, бошқа миллат вакиллари иштирок этгани учун масъулият бизнинг зиммамизга тушади. Буни инкор қилиб бўлмайди. Ана шундан хулоса чиқариб, келгусида қиладиган ишларимизни ўйлаб олишимиз керак. Ҳар бир воқеа ва ҳодисага катта масъулият билан, халқимизга хос доноликлик ва ақл-заковат билан қарашимиз лозим.

— Миллий ва миллатлараро муносабатларнинг ленинча принциплари, айтиш мумкинки, доҳий вафотидан сўнг бузилди. Унга амал қилинмади. Айниқса кичик халқларга муносабат ўзгарди. Эҳтимолки, бугунги фожиаларнинг илдизи сталинизм сиёсатининг замирига етиб борса, ажаб эмас.

— Дарҳақиқат бугун ошкора айтилаётган сиёсий, социал, иқтисодий ва маънавий ҳаётимиздаги камчиликлар бугун ё кеча содир бўлган эмас. Ўн йилликлар давомида шакилланди.

Миллий муносабат эса анча чигаллашди. Мен месхети турклари хусусида гапирмоқчиман. Халқнинг сони 550—600 мингга яқин. Шулардан 110 мингги 1944 йилда Ўзбекистонга кўчириб келинган. Ўша йиллари мен фронтда эдим. Унга яқин кичик халқлар жанубий ва шимолий Кавказ, Волга бўйларидан бирданига Сталин бошлиқ Иттифоқ раҳбарларимизнинг саъйи-ҳаракати билан кўчирилган. Улар Ўрта Осиёга, асосан Ўзбекистонга олиб келинган. Халқимиз уларни ким бўлишидан қатъи назар, бағрига босди. Қийинчилик йилларида фарзандининг оғзидаги нонини қардошларига берди. Кийим-кечакларини аямади. Ноябрь ойи совуқроқ бўлгани учун кўрпа-тўшакларини баҳам кўрди. Шундан бери 45 йилга яқин бир тан-бир жон бўлиб яшаб келмоқдалар. Қариндош-уруғ бўлиб кетишди.

1956 йили КПССнинг XX съездидан кейин Ўзбекистонга кўчириб келинган халқлар масаласи кўтарилди. Чунки кўчириб келинган халқлар Марказий Комитетга келиб, кўзларида ёш билан «Бизни сиёсий томондан оқлаб берсин» деб Иттифоқ ҳукуматидан сўрашимизни айтдилар. Илтимосномалар ёздилар. Ўз юртларига қайтишни талаб қилдилар. Шу вақтда мен Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари эдим. Ҳар томонлама ўйлаб, ҳужжатлар билан таниши, омма билан маслаҳатлашиб, 1956 йилнинг декабрида Москвага бордим. Сиёсий Бюрода доклад қилдим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Олий Совети Президиуми ва Республика ҳукуматининг илтимослари уч марта муҳокама қилинди. 1957 йилнинг 9 январида олтита кичик халқларни сиёсий жиҳатдан оқлаш бўйича ижобий қарор чиқди. Черкеслар, ингушлар, чеченлар, балқарлар, қорачойлар ва бошқа халқлар тўғрисида. Ана шу қарор чиққан куни эсимдан чиқмайди. Бутун республикада оммавий тўй, хурсандчиликлар бошланиб кетди. Бир томондан карнай-сурнай, ноғораларнинг овози, иккинчи томондан хурсандчилик кўз ёшлари... Партияга, адолатпарвар давлатимизга шукроналар айтилди, раҳматномалар билдирилди. Миннатдорчиликларнинг чеки йўқ эди. Шундан кейин кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар тайёрлаб махсус эшелонларга чиқариб қузатиб қўйилди. Уларнинг ҳаммаси ўз автономияларига эга бўлдилар. Сиёсий ва миллий давлатларини тузадилар. Улар ҳаётни янгитдан бошлаганликлари учун ўзбек халқи бир қанча от, сигир, қўй, эчки ва қишлоқ хўжалик техникаларини юборди. Қардошлар ўз ерларида ҳаётларини бир меъёрда изга солишларига кўмаклашди.

Миллий масала кўрилаётган пайтда иккита халқ хусусидаги қарор тўла бажарилмади. Бу қрим татарлари ва совет турклари масаласи эди. Аслида ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан бу иккала халқ тўла оқланган эди. Аммо татарларни Қримга, туркларни Грузияга — ўз она юртларига қайтиб боришларига тўла шароит йўқ эди. У ерларда бошқа халқлар яшаётган эди. Масала ниҳоятда мураккаб бўлгани учун алоҳида комиссия тузилди. Афсуски, кейинроқ, айниқса олтмишинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, мазкур комиссия амалий фаолият кўрсата олмади.

Мана шундай қилиб, ҳар иккала халқ биз билан бирга ёнма-ён яшаб келмоқда. Булар ўртасида ҳеч қачон келишмовчилик бўлган эмас. Яхши-ёмон кунларини доим бирга ўтказишди, бир-бирларининг қувонч ва ташвишларига шерик бўлишди.

Фронтда юрганимда Сталинградда жароҳатландим. Оёғим тўрт жойидан синди. Бошимдан шикаст едим. Оғир аҳволда мени Тбилисидаги ҳарбий госпиталда операция қилишди. Тўрт ой чап оёғимни тахтакашлаб осиб қўйишди. Тузалганимдан сўнг вақтинча урушга яроқсиз бўлганлигим учун Грузия комсомоли Марказий Комитетида икки ойча лектор бўлиб ишладим. Районларда ва қишлоқларда бўлдим. Хизмат тақозоси билан 1943 йили Абхазия, Ажария, Кабулети ва Божомида бўлдим. Турклар яшайдиган жойларга бордим. Бу халқ нақадар ўзаги покиза ва меҳмондўстлигини, меҳнаткашлигини кўрдим. Тоғ устида оғир машаққат билан меҳнат қилишар экан. Тоғда думалаб кетмаслик учун бирор жойга белидан боғлаб қўйиб кетмон чопишар экан. Қишлоқга бир машина кириши билан уйида нимаси бўлса энг яхшиларини патнисга солиб меҳмон томонга югуришади. Мана шундай ажойиб бир халқ бошига ҳеч қандай жиноятсиз қулфат солинди. Ўша вақтда улар ғайри қонуний кўчирилган. Мана, яна қирқ беш йилдан кейин азобга қолишди. Буни кимлар қилди? Уларни азобга солганлар виждони ва мафкураси бузилган бир гуруҳ жиноятчи одамлар. Буларнинг ичида турли миллат вакиллари бор. Бу воқеалар нафақат ўзбек халқи учун, бутун мамлакат халқлари учун оғир ва қайғули.

Партиямизнинг 1985 йилги апрель Пленуми мамлакатимизда янги даврни очиб берди. Унда ўртоқ М. С. Горбачев бошлиқ КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси қайта қуриш деб ном олган социализмни тубдан ўзгартириш концепциясини, ҳуқуқий давлатни вужудга келтириш вазифасини ўртага ташлади. Сиёсий, иқтисодий, социал ва экологик муаммоларни рўй-рост очиб ташлади. Бир қатор халқлар билан бирга турклар ҳам ноҳақ жазоланганликлари учун ўз тақдирларини адолат юзасидан ҳал қилиб беришларини сўраб, юқори партия ва давлат органларига мурожаат қилдилар. Фарғонадаги воқеалар эса ана шу ҳаракатнинг давоми. Бир гуруҳ месхети турклари шу йилнинг январь ойида Фарғона области раҳбар ташкилотларига мурожаат қилишган. Ўзбек халқига раҳматлар айтиб, ўз юртларига қайтишга ёрдам беришларини сўрашган. Бу хатлар республика ва Иттифоқ раҳбарларига юборилди, бироқ натижа бўлмади. Уларнинг кўпдан кўп мурожаатномалари инобатсиз қолдирилди. Натижада 1—2 май кунлари тўполон бўлди. 16—17 майларда ҳам ва охири 23 майда катта жанжал бўлди. Оқибатда Абдураҳмонов деган тожик йигит ҳалок бўлди. Ҳар икки томондан одамлар жароҳатланди. Миллий низо бошқа шаҳар ва районларга тарқала бошлади.

Фарғона бўйлаб сафарларда мен атайлаб уюштирилган, халқимиз ва давлатимиз манфаатларига зид ҳаракатларга ҳам гувоҳ бўлдим. Ўзбек миллий кийимларини кийган, аслида бошқа миллатга мансуб кишиларнинг суратларини кўрдим. Турклари ўлдирамиз, русларни ҳам ўлдирамиз, мусулмон давлатини тузамиз, яшасин Ҳумайний, деган ёзувлар бор. Минг афсуски, бизнинг, айниқса раҳбар ташкилотларимизнинг бепарволигидан қора ниятли кишилар усталик билан фойдаланишди. Ана шундай фожиалар пайтида бизда тадбиркорлик, воқеаларни олдиндан билиш қобилияти етишмади. Ҳодисаларга бефарқ қарадик. Биз аҳолининг актив қисмидан фойдалана олмадик.

Меҳнат ветерани, пенсионер Отажон Раҳматов 23 май куни жанжал бўлаётганда область раҳбарларига халқни сафарбар қилайлик, аҳолини ўзи Қувасой шаҳри атрофини ўраб, ўз фарзандларини йўлга солиши мумкин, деганда улар қулоқ солишмади. Уч-тўртта милиция юборишди. Натижада жанжал тобора кескин тус олди. Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Йўлдошев Москвада, съездда қатнашётган эди. Бошқа раҳбарлар эса гап-сўз кўпаймасин, шов-шув кўтарилмасин, деган мақсадда воқеанинг моҳиятига етолмадилар. Отажон ака 50 йилдан кўпроқ партия сафида бўлган, кекса коммунист, уруш ва меҳнат ветерани. Бундай халқ ҳурматини қозонганлар обрў-эътиборидан фойдаланмоқ керак эди. Бу ҳаётимизнинг ҳар бир кунида, ҳар бир дақиқасида асқотади.

— Айтмоқчисизки, ҳар бир воқеа-ҳодисани яширмаслик, унга ошкора баҳо бериш яхши натижа беради. Воқеалар қанча сир тутилса, яширилса шунча кўп миш-мишлар ва фисқу-фасодларнинг тарқалишига сабаб бўлади. Ошкоралик-нинг чинакам қадру қиммати ҳам ана шунда!

— Тўғри, тажрибасиз раҳбар соясидан чўчийди. Халққа суянмай иш тутиш эса доим фожиага олиб келади. Бир қанча активлар пенсионер ва ветеранларнинг илтимоси, коммунистларнинг фаол ҳаракатлари бу ерда инобатга олинмади. Фожиалар ҳақидаги хабар фақат 27 майга келибгина матбуотда берилишига рухсат этилди. Шунда ҳам маълумотлар бузиб кўрсатилди. Бепарволикнинг оқибати ана шунақа бўлади. Ана шу бепарволик натижасида безорилар худди урушдагидек бир кун тайёргарлик кўриб, бир кун ҳужум қилишди. Режаларини аниқ тузиб, катта ташкилотчилик билан ҳаракат қилишларига шароит яратиб берилди. Ҳатто бепарволик шу даражада эдики, область партия комитетининг мазкур воқеаларни муҳокама қилиб 2 июнь куни чиқарган қарори 17 июнгача кўпгина ташкилотларга етиб бормаган. Натижада республика Компартияси Марказий Комитети мазкур воқеалар сабабини чуқурроқ ўрганиб чиқиш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. И. Иброҳимов бошчилигида комиссия тузди. Мазкур комиссия бир ҳафта мобайнида область шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, ташкилотларда, маҳаллаларда, корхона ва хўжаликларда аҳоли билан суҳбатлашди. Барча партия, совет, комсомол, касаба союз ва ҳуқуқ органлари фаолиятини синчиклаб ўрганди. Марказий Комитет Бюроси ана шу масалаларни ҳар томонлама муҳокама этди ва махсус қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган ўн бешинчи пленуми Фарғона воқеалари масалалари билан шуғулланувчи комиссия ахборотини ва Марказий Комитет Бюроси қарорини маъқуллади. Партиянинг мазкур ҳужжатлари республикамиз меҳнаткашларига, бутун халққа ҳавола этилди. Эндиги қилинадиган ишлар, бажарилиши керак бўлган муҳим вазифалар ана шу қарорда белгиланган.

— Қонли воқеалар содир бўлган жойда икки марта сафарда бўлдингиз. Турли табақадаги аҳоли вакиллари билан суҳбатлашдингиз. Жуда кўп ташкилотлар фаолияти билан танишдингиз. Энди Фарғона халқига, умуман фарғоналикларга қандай фикрларингиз бор, тилакларингизни газеталар билан баҳам кўрсангиз.

— Ҳар бир областнинг, жумладан Фарғонанинг ўз тарихи, ўз обрў-эътибори ва нуфузи бор. Бугун Фарғона ҳақида икки оғиз гапираман. Водийнинг бир неча минг йиллик тарихи, маданияти ва меҳнатининг самаралари дунёга маълум. Алоҳида фахрланишга арзийди, ҳурматга сазовор.

Қадимий Юнон, Хитой ва Европа олимлари асрлар давомида ўзбек маданиятининг таркибий қисми бўлган ана шу водий маданияти билан қизиқиб келдилар. Бу халқнинг ўзига хос анъаналари бор. Энди ана шу анъаналарни биз ёшларимизга мерос қолдиришимиз керак. Кичи юрагида меҳр-шафқат, эзгулик, яхшилик, одамларга ҳурмат ва ҳаётга муҳаббат туғуғларини мустаҳкамлайдиган анор базми, қовун сайли, ҳосил байрами сингари ажойиб анъаналар йўқолиб кетмоқда. Улоқ ва пойгалар халқнинг эпчиллиги ва чавандозлик санъатининг ёрқин кўриниши. Мен узоқ йиллар фарғоналикларнинг ана шундай ажойиб кунларига гувоҳ бўлганман. Улар кишига миллатига қараб эмас, меҳнатига қараб, эътиқодига қараб баҳо беришарди. Уларга ҳавасим келарди. Ана шу ҳавас ҳали менда сўнгани йўқ.

Ҳамзанинг халқ бахт-саодати йўлида «Яша, Шўро» деган ҳайқириғи доим қулоғим остида жаранглайди. У халқ иши йўлида қурбон бўлди. Увайсий ва Нодиранинг маҳзун ғазаллари, Муқимий ва Фурқатнинг эзгуликка чорлагувчи бадиий мероси мен учун доим ардоқли.

Мен Фарғона халқининг ажойиб фарзандлари билан яқин дўст эдим. Маслакдош эдим. Улар бутун эл-юртимизнинг, бутун мамлакатимиз фани ва маданиятининг улкан арбобларига айланишган. Академиянинг биринчи президенти Қори Ниёзий, қўқонлик олим Теша Зоҳидов, Убай Орипов, санъатда Қориёқубов, Уста Олим, Халима Носирова бутун жахон мамлакатларида ном таратишди. Совет Иттифоқининг Англиядаги элчиси ўртоқ Майский менга «Уста Олим бир парча теридан қилинган доирасини чалиб Лондонда парламент аъзолари ва миллионерларни ўйнатиб юборди» деганида қанчалар фахрланган эдим. Машҳур сиёсий арбоб Жавоҳарлал Нерунинг уйида бўлган суҳбатлардан бирида у Мукаррама Турғунбоева ҳақида гапириб «Ўзбек халқи биз ҳиндларни икки марта ўзига таслим қилди. Бобур катта давлат тузиб ном таратди. Турғунбоева ўзининг «Баҳор» ансамбли билан келиб, нозик рақслари билан бутун ҳинд халқи қалбини забт этди» деган эди.

1939 йили атиги қирқ беш кунда 270 километрлик Катта Фарғона каналини ҳашар йўли билан кетмонда қазиган халқ жасоратига таҳсин айтиш керак. Фарғона халқига айтиладиган гаплар кўп. Бироқ муаммолар ҳам ундан кам эмас. Экологик вазият ниҳоятда кескинлашмоқда. Аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш, социал-маиший ва маданий хизмат савиясини тубдан яхшилаш зарур.

Республикамизда, шу жумладан Фарғона областида турли миллат вакиллари яшамоқда. Уларнинг дўстона ҳаётини, бирлиги ва биродарлигини янада мустаҳкамлаш шу кунининг энг муҳим вазифаларидан бири. Марказий Комитет Бюросида муҳокама пайтида Марказий Комитетнинг биринчи секретари И. А. Каримов ва бошқа сўзга чиққанларнинг кўпчилиги ана шу муаммоларга алоҳида аҳамият беришни чуқур таъкидладилар. Ўйлайманки, Фарғонадаги партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотлари, коммунистлар, ветеранлар ва барча меҳнаткашлар қарорда белгиланган вазифаларни ҳал этишда фаол иштирок этадилар. Бунёдкор халқ, фидойи ва меҳнаткаш халқ, қардошлик ва дўстлик анъаналарига садоқатли халқ ўзининг қутлуғ урф-одатларини давом эттиришига, уларга содиқ қолишига қатъий ишонамиз. Умид қиламизки, Фарғона халқини тинч ва осойишта, қардошлар билан ёнма-ён, елкама-елка туриб, порлоқ истиқболимиз йўлида шод хуррамлик ва яхши кайфият билан хизмат қилаётган ҳолда кўриб доимо хурсанд бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, республикамиз аҳлига қуйидагиларни айтмоқчиман. Биродарлар, етмиш йиллик совет тузуми даврида энг катта ютуқларимиздан бири байналмиллалик руҳи, халқлар дўстлиги ва қардошлиги бўлди. Биз ана шу ютуғимиз билан доим фахрланамиз. Афсуски, кейинги пайтларда бу қутлуғ анъанага доғ тушираяпмиз. Мен азиз ҳамюртларимдан, мурувватли ва меҳр-шафқатли она халқимдан халқлар дўстлиги ва биродарлигидай улуғ инсонпарварлик анъанамизни кўз қорачиғидек асрайлик, деб илтимос қиламан. Бу бутун республикамиз учун, қолаверса, Иттифоқимиз учун миллий бойлик, юксак маънавий қадриятдир. Фарзандларимизнинг, болаларимизнинг порлоқ истиқболи учун ана шу неъматларни асраб-авайлайлик. Уларга мерос қолдирайлик. Фарзандларимиз эса оталар анъанасига содиқ бўлишсин. Унинг давомчилари бўлишсин.

— Мароқли суҳбатингиз учун катта раҳмат.

Суҳбатни Н. ЖУРАЕВ олиб борди.

«БИЗНИНГ АНКЕТА»ГА ЖАВОБЛАРДАН САТРЛАР

ТАРИХ ҲАҚИҚАТИНИ ЁЗИНГ

● Газетангизда кўпроқ ўтмиш ҳақиқати ҳақидаги материалларни ёритсангиз. Ўшанда одамлар ўзлигини англайдилар, Сталинни, ердаги «худо»ни улуғлашдан воз кечадилар. Ахир сон-саноқсиз фан ва маданият арбоблари, Ленин гвардияси деярли йўқ қилинди. Ва ниҳоят, Ўзбекистонда репрессиянинг миқёси катта. Тарихий шахслар, социалистик қурилишнинг ташкилотчилари ҳақида, тирик қолган замондошларнинг хотираларини мунтазам ёзиш керак.

Т. НАЗАРОВ,
Чироқчи райони,
ўқитувчи.

ТАНҚИД КЕСКИН БЎЛСИН

● «Совет Ўзбекистони» газетасига 1933 йилдан буён ёзилиб келаман. Ундаги мақолаларга танқид кўзи билан қарайман. Газетанинг обрў-эътибори унинг танқидий чиқишлари билан белгиланади.

Агросаноат хабарларида асосий эътиборни нобудгарчиликка қаратиш лозим. Колхоз ва совхозларнинг иқтисодий аҳволини кўрсатадиган материаллар кўпроқ бўлсин. Очиғини айтсам, мен баъзи онлайн пудратчиларнинг хатти-ҳаракатидан ранжиндим. Ер эгалари ўз ерларини «қўриқлаб» ҳатто марзалардан одамларни юргизмай қўйдилар. Ошкоралик тўғри ва ҳолол бўлсин.

Қоғозбозлар, тўралар, ўзини ўйлайдиганларни кескинроқ танқид қилинг.

Йўлдош УЧҚУН,
Ўзбекистон райони,
пенсионер.

«ЁШЛИК САДОСИ» ОЧИЛСА

● Газетанинг донмий ўқувчисиман. Унда партия ташкилотлари ролининг ёритилиши мени қониқтирмайди. Чунки камчиликлар силлиқлаб ёзиладилар. Партия ходимлари кўпроқ ҳалқ билан бирга бўлса.

«Депутат ва халқ», «Депутатларнинг бугунги режалари» мавзуларини таклиф қиламан.

Умумий экономикага оид материаллар яхши ёритилмаяпти. Газетада дўстлик, тинчлик, қардошлик мавзулари кенгроқ ёзилса, ҳар хил миллатли оилалар, уларнинг турмуши ҳақида қалам тебратиш керак.

Севимли газетамизда «Ёшлик садоси» рубрикаси очилишини истардим.

Ф. ЭРГАШЕВА,
Янгиқўрғон райони.

Қотилларга шафқат йўқ

СССР Олий Совети Президиумининг афв этиш масалалари комиссияси ўзининг навбатдаги мажлисларида турли қамоқ муддатларига, шунингдек энг олий жазо — ўлим жазосига ҳукм қилинган кишиларни афв этиш тўғрисидаги илтимосларни муҳокама қилди.

Комиссия таклифига мувофиқ, СССР Олий Совети Президиуми айбни ғоят оғирлаштирадиган ҳолларда қасддан қотиллик қилганлиги, босқинчилик билан шуғулланганлиги, милиция ходимлари ҳаётига тажовуз қилганлиги учун В. В. Гампанцура, М. Н. Мирзаев, А. В. Михайлов, В. М. Швецов, С. А. Шишханов ва бошқаларга нисбатан чиқарилган энг олий жазо — ўлим жазосини ўз кучида қолдириб, афв этишни рад қилди.

СССР Олий Совети Президиуми комиссиясининг қирқдан ортиқ маҳкумларни афв этиш тўғрисидаги тавсияларини қабул қилди. Бу кишилар жазо муддатини ўтаётиб, ўзларининг меҳнатга виждонан муносабатлари ҳамда намунали ҳулқлари билан ахлоқан тузалганликларини исботлаганлар.

(ТАСС).

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

• *Реклама ва эълонлар* •

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

61- МАВСУМ ОЧИЛАДИ

Репертуар плани:

12 августда — Бўрон.
13 августда — Тўмарис.
15 августда — Чио-Чио-Сан.
16 августда — Спартак.
17 августда — Евгений Онегин.
18 августда — Боғчасарой фонтани.
19 августда — Флория Тоска.
20 августда — Оққуш кўли.
22 августда — Оловли фариштa.
23 августда — Севги ҳақида афсона.
24 августда — Кармен.
25 августда — Икки дил достони.
26 августда — Риголетто.
27 августда — Корсар.
29 августда — Сўғд элининг қоплони.
30 августда — Севги тумори.
31 августда — Фауст.

Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР халқ таълими министрлиги

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 15-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989-1990 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

8-синф маълумоти билан билим юртига қабул қилинганлар уч йил муддатда монтажчи-ғишт терувчи, бўёқчи-сувоқчи, дурадгор,электргаз пайвандчи, дурадгор-мебелчи касбларини эгаллайдилар.

БУ КАСБЛАРНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН 15 ЁШ ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

6 ойлик курсларга ҳарбий мажбуриятни шу йилнинг май ойидан бошлаб ўтаб қайтганлар, шунингдек 10-синф маълумотига эга бўлган йигитлар қабул қилинади. Уларга 75 сўм миқдорида стипендия тўланиб, улар юқори вольтли ҳаво линияларида катта кучланишли электр тармоқлари бўйича мутахассис, электр-газ пайвандчи, дурадгорлар, сувоқчи-бўёқчи, слесарь-сантехник мутахассисликларига ўқитилади.

ЙИЛЛИК КУРСЛАРГА 10-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Уларга темир йўл ва метрополитенда автоматика; телемеханика ва алоқа қурилмаларини жиҳозлаш, бўёқчи-сувоқчи, дурадгор, электр-газ пайвандчи, ғишт терувчи ва пардозловчи касблари ўргатилади ва уларга 30 сўм миқдорида стипендия тўланади.

8-синф маълумоти билан билим юртига қабул қилинганлар 4 маҳал бепул иссиқ овқат, кийим-бош, узоқдан келганлар ётоқхона билан, бундан ташқари ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 процанти билан таъминланади.

ЎКИШ ВАҚТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўқишни имтиёзли диплом билан битирганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланмалар берилади. Улар институтга конкурсдан ташқари қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар 1 сентябргача қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки етуклик аттестати, турар жойдан справка, 5 та 3х4 см ҳажмдаги фотосурат, соғлиги тўғрисидаги 086/У формадаги медицина справкаси, характеристика.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 19.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Слоним кўчаси, 113-уй (26, 151, 161, 15, 48, 61, 154-автобусларнинг «Иззат» бекати). Телефон: 96-17-61.

Тошкент область халқ таълими бошқармаси

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ 19-ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989—1990 ўқув йили учун

10-синф маълумотига эга бўлган 30 ёшгача йигит ва қизларни

АСАЛАРИЧИЛИК МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1 йил, ўқиш даври узлуксиз иш стажига киради. Аъло баҳо билан битирган ўқувчиларга техникум ва олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади ва конкурссиз қабул қилинади.

Ўқувчилар стипендия, тўрт маҳал иссиқ овқат ва кийим-кечаклар, студентлик билети билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикасига 1990 йил 1 апрелдан юборилади.

Колхоз ёки совхозлар йўлланма билан келганлар ишлаб чиқариш практикасига ҳамда ўқишни тамомлагандан сўнг ишга ўз яшаш жойларига юборилади. Ўқишни тамомлагач — асаларичи мутахассислиги бўйича диплом берилади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни 25 АВГУСТГАЧА топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳол, туғилганлик ҳақида гувоҳнома (асли) ҳамда паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), характеристика, турар жойдан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.), соғлиги ҳақида 086/У формадаги справка, йўлланма.

Билим юрти адреси: Тошкент области Тошкент районы, Абдураҳмонов номли совхоз, 2-бўлим, 19-СПТУ. Телефон — 56-689.

Транспорт: Калинин майдонидаги «Келес» автостанциясидан 466-автобусга чиқиб, «19-СПТУ» бекатигача келинади.

Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари диққатига!
СССР Транспорт қурилиши министрлигининг

820-ҚУРИЛИШ МОНТАЖ ПОЕЗДИ

қиймати 15.381 сўм турадиган «МАЗ 53-34» шассисидаги 7 тонналик янги ёқилғи қуйиш машинасини янги, бортли «МАЗ» ёки «КАМаз» автомашинасига АЛМАШТИРИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА.

Қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинсин: 96-58-70, 96-72-51, 96-72-30, 96-74-12.

Адрес: 700074, Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, 1-тупик кўчаси, 14 «а» уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Микробиология институти коллективи катта илмий ходим Н. Х. Гуломова ўғли **Шавкат Ғафурович ҒУЛОМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01401. Б. — 186. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12